Birgalikda ijtimoiy davlat sari!

O‘zbekiston Ovozi

№47
2026-yil
25-noyabr, chorshanba
1918-yil
21-iyundan chiqa boshlagan

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz

МУНОСАБАТ

ТУРИЗМ – ПАРКЕНТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЯНГИ ДРАЙВЕРИ



Ҳар бир ҳудуднинг ўз тарихи, табиий имкониятлари, иқтисодий салоҳияти ва тараққиёт йўли бор. Паркент ҳам ана шундай ўзига хос ҳудудлардан бири. Унинг тоғлари, боғлари, узумзорлари, мусаффо ҳавоси ва меҳнаткаш аҳолиси азалий бойлиги ҳисобланади. Бироқ бугунги Паркентни фақат табиий гўзалликлари билан таърифлаш камлик қилади. Чунки бугун бу ҳудудда мавжуд салоҳиятни иқтисодий имкониятга айлантириш, замонавий инфратузилма яратиш, инвестицияларни жалб этиш, туризм ва ишлаб чиқаришни янги босқичга олиб чиқиш борасида муҳим ўзгаришлар юз бермоқда.

► (Давоми 3-бетда)

ЯЛПИ МАЖЛИС

ҚОНУНЛАРДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛМОҚДА?

Кеча куннинг биринчи ярмида бошланган ялпи мажлисдаги муҳокамалар тушликдан кейин ҳам қизғин давом этди. Кун тартибидан ўрин олган қатор муҳим қонун лойиҳалари ва долзарб масалалар депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилди.

Депутатлар дастлаб «Давлат божи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқишди.



► (Давоми 2-бетда)

НУҚТАИ НАЗАР

ЭВРИЛАЁТГАН ШУУР

«Эврилиш» - туркий тилларга хос, ота-боболаримиз азалдан ишлатган сўз, яъни «эврилмоқ» феълидан ясалган. У ўзгармоқ, бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтмоқ маъносини англатади. Инсоннинг танасидаги ўзгаришлар осон кечиши мумкин, лекин унинг феълидаги, юриш-туришидаги, кўнглидаги эврилишлар ниҳоятда мураккаб кечади. Жамиятдаги жиддий ўзгаришларгина инсоннинг фикрини, дунёқарашини ўзгартириши мумкин. Бинобарин, маънавий эврилишлар инсоннинг нафақат тафаккури, балки миллат қадриятларига ҳам таъсир кўрсатади.



ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИ

БАНДЛИК ФАҚАТ ИШГА ЖОЙЛАШИШ ЭМАС,

БАРҚАРОР ДАРОМАД МАНБАИГА ЭГА БЎЛИШДИР

➡ 4

БИЗ — ЁШЛАР «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛДИК. СИЗ-ЧИ?

Менимча, бугунги шиддатли рақамли даврда ёшлар олдида турган энг муҳим вазифа кўп ахборот олиш эмас, балки уни тўғри англаш, чуқур таҳлил қилиш ва мустақил хулоса чиқаришни ўрганишдир. Ижтимоий тармоқларда бир неча сонияда юзлаб хабарларга кўз югуртириш мумкин, аммо тезкорлик ҳар доим ҳам воқеликнинг моҳиятини очиб бермайди. Шу боис мен газета мутолаасини замондан ортда қолиш ёки эскирган одат эмас, аксинча, бугунги кун учун зарур бўлган интеллектуал эҳтиёж ва тафаккур мактаби, деб биламан.

Мен учун «Ўзбекистон овози» газетасининг қадри ҳам айнан шунда. Бугун ушбу нашр нафақат Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётини ёритувчи оммавий ахборот воситаси, балки халқ манфаатлари муҳокама қилинадиган муҳим минбар сифатида ҳам қадрлидир. Хусусан, партиямизнинг «Хотин-қизлар қаноти» фаоллари учун газета аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва оилалар фаровонлигини мустаҳкамлаш борасидаги таклифларни кенг жамоатчиликка етказишда беминнат майдон бўлиб хизмат қилмоқда.

Ёшларни сиёсатга қизиқтириш, қонунлар ва давлат дастурларини ўрганишга ундаш учун қуруқ чақириқларнинг ўзи етарли эмас. Бунинг энг яхши йўли — шахсий намуна кўрсатишдир. Шу мақсадда партиямиз «Ёшлар қаноти» раҳбари М. Низомиддинов, Ёшлар парламентидаги сафдошларим Н. Раҳмонова, И. Ашуралиев, фаол ёшларимиздан Х. Толибжонов ва мен биргаликда 2027 йил учун «Ўзбекистон овози» газетасига обуна бўлдик. Бу ўзимиз учун фойдали танловдир.

2027 йилги обуна мавсумида сўзга, фикрга ва халқ ичидаги ҳақиқатга таянадиган севимли нашримизнинг ўқувчилари сафи янада кенгайишига ишонаман. Чунки яхши газетанинг қадри фақат унинг тарихий ёши билан эмас, бугунги жамият учун қанчалик зарур экани билан белгиланади. Зеро, газета ўқиш — ўз дунёқарашингни бойитиш, халқ ҳаётига дахлдор бўлиш ва Ватан келажагига бефарқ эмаслигингни намоён этишдир.

Биз 2027 йилда ҳам «Ўзбекистон овози» билан бирга бўлишни танладик. Сиз-чи, обуна бўлдингизми?

Мухлиса ҒАНИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзоси.



ЯЛПИ МАЖЛИС

ҚОНУНЛАРДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛМОҚДА?

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)



Қонун лойиҳаси билан Сув хўжалиги объектлари хавфсизлигини ва сувдан фойдаланишни назорат қилиш инспекцияси ҳамда унинг ҳудудий бошқармалари сувни тежайдиган суғориш технологияларини ўрнатиш, уларнинг сифатига кафолат бериш ва сервис хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ шартнома мажбуриятлари маҳаллий ва хорижий пудрат ташкилотлари томонидан бажарилмаганлиги юзасидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар манфаатларини кўзлаб иқтисодий судларга киритадиган даъволари бўйича давлат божини тўлашдан озод этилиши белгиланмоқда.

Ушбу қонун лойиҳаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий этишни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

ХОРИЖДАГИ ҚУРОЛЛИ МОЖАРОЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШГА ҚАРШИ ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛАДИ

Мажлисда «Тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлигига қарши айрим тоифадаги жиноятлар учун жавобгарлик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси фуқароларнинг хорижий давлатлар ҳудудидаги қуролли тўқнашувларда иштирок этишининг олдини олиш, уларни турли ҳарбий тузилмаларга жалб қилиш билан боғлиқ хавф-хатарларни камайтириш ҳамда тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан Жиноят кодексининг 154¹-моддасига ўзгартиришлар киритилиб, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет давлатларнинг ҳарбий хизмати, хавфсизлик, полиция, ҳарбий адлия органлари ёки шунга ўхшаш бошқа органларига хизматга кириши учун жиноий жавобгарлик такомиллаштирилмоқда.

Шунингдек, хорижий давлатлар ҳудудидаги қуролли тўқнашувларда иштирок этиш билан боғлиқ жиноий қилмишлар учун жавобгарлик нормалари аниқлаштирилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқароларимизнинг хориждаги қуролли можароларга жалб этилишининг олдини олиш, миллий хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, тинчлик ва инсоният хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятларга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

БИР ЙИЛЛИК МАКТАБГА ТАЙЁРЛОВ МАЖБУРИЙ БЎЛАДИ

Мажлисда мактабгача ва мактаб таълими тизими интеграциясини таъминлашга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат бир йиллик мактабга тайёрловни мажбурий умумий ўрта таълимнинг дастлабки босқичи сифатида белгилашни назарда тутади. Бу орқали таълим тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсад қилинган.

Қонун лойиҳаси билан «Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида»ги ҳамда «Таълим тўғрисида»ги қонунларга мактабга бир йиллик мажбурий тайёрловни умумий ўрта таълим тизимига киритиш, уни мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотларида ташкил этиш, болаларнинг мазкур

> ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ БИЛАН «МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҲАМДА «ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНЛАРГА МАКТАБГА БИР ЙИЛЛИК МАЖБУРИЙ ТАЙЁРЛОВНИ УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА КИРИТИШ, УНИ МАКТАБГАЧА ВА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ТАШКИЛ ЭТИШ, БОЛАЛАРНИНГ МАЗКУР ТАЙЁРЛОВДАН ЎТИШ ҲУҚУҚИНИ КАФОЛАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИЛМОҚДА.

тайёрловдан ўтиш ҳуқуқини кафолатлашга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Мажлисда қайд этилганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мактабгача ва мактаб таълими ўртасидаги узвийликни таъминлаш, болаларни мактабга тайёрлаш сифатини ошириш ва уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини кафолатлаш, Ўзбекистон таълим тизимининг халқаро даражадаги мавқеини ошириш ҳамда фуқароларга хорижий давлатдаги ўқиш фаолияти учун қулай шароит яратишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

ЎЗБЕКИСТОН ЯНА БИР КОНВЕНЦИЯГА ҚЎШИЛМОҚДА

Мажлисда «Халқаро фуқаро авиациясига нисбатан қонунга хилоф тарздаги хатти-ҳаракатларга қарши курашиш тўғрисидаги Конвенцияга (Пекин, 2010 йил 10 сентябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Мазкур Конвенция фуқаро авиацияси хавфсизлигига таҳдид солувчи ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олиш, терроризмга қарши курашиш ва бу борада давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган.

Хусусан, Конвенция ҳаво кемаларини йўқ қилиш, улардан қурол сифатида фойдаланиш, хавфли материалларни қонунга хилоф равишда ташиш, аэропортлар ва аэронавигация воситаларига тажовуз қилиш каби жиноятларга қарши курашишнинг халқаро ҳуқуқий асосларини белгилайди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда фуқаро авиациясини ривожлантириш, аэропортларни модернизация қилиш, янги авиакомпаниялар фаолиятини йўлга қўйиш ва ҳаво ташувлари бозорида рақобат муҳитини кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Халқаро авиақатновлар кўлами ортиб бораётган бир шароитда авиация хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Шу нуқтаи назардан, Конвенцияга қўшилиш миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, авиация соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашишда халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, мазкур халқаро ҳужжат қоидаларининг амалга оширилиши Ўзбекистоннинг Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти (ИКАО) доирасидаги баҳолаш кўрсаткичларини яхшилаш, халқаро авиация ҳамжамиятидаги нуфузини ошириш учун қўшимча имкониятлар яратади. Бу эса миллий ҳаво ташувчиларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш, янги халқаро йўналишларни очиш ва ҳаво қатновлари географиясини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

БОЖХОНА ТАРТИБЛАРИ СОДДАЛАШТИРИЛМОҚДА

Ялпи мажлисда «Божхона маъмуриятчилиги ва ташқи савдо тартиботларини янада соддалаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан Божхона кодексида чет эл автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби такомиллаштирилиб, уларнинг мамлакатимиз ҳудудида бўлиш муддати 90 кундан 180 кунгача узайтирилмоқда, божхона тўловларини кечиктириб тўлаш муддати эса 60 кундан 120 кунга оширилмоқда.

Фаол муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

ДЕПУТАТЛАР АВИАЦИЯГА ОИД ХАЛҚАРО ҲУЖЖАТНИ МАЪҚУЛЛАДИ

Депутатлар шунингдек, мажлисда «Ҳаво кемаларининг қонунга хилоф тарзда босиб олинишига қарши курашиш тўғрисидаги Конвенцияни тўлдирувчи Баённомага (Пекин, 2010 йил 10 сентябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишди.

Мазкур Баённома 1970 йилги Гаага конвенциясини бугунги кун талабларига мослаштиришга қаратилган. У ҳаво кемаларини қонунга хилоф равишда эгаллаб олишга қарши курашишнинг халқаро ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиради.

Хусусан, Баённома ҳаво кемаларини куч ишлатиш ёки таҳдид қилиш билан бир қаторда, мажбурлаш, қўрқитиш ёхуд замонавий техник воситалардан фойдаланиш орқали эгаллаб олиш ҳолатларини қамраб олади. Шунингдек, бундай жиноятларни ташкил этиш, уларда иштирок этиш ва уларга кўмаклашиш учун жавобгарликни таъминлашга оид қоидаларни белгилайди.

Мажлисда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг халқаро авиация хавфсизлиги тизимидаги иштирокини мустаҳкамлаш ҳамда ҳаво ташувларининг барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Муҳокамалар якунида қонун лойиҳаси қабул қилиниб, Сенатга юборилди.

ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ҲАҚИДА ХАБАР БЕРМАГАНЛИК УЧУН ЖАРИМА БЕЛГИЛАНАДИ

Шунингдек, ялпи мажлисда «Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақида хабар бермаганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги 188⁵-модда киритилиб, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари ҳақида хабар бериш мажбурияти юклатилган давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мансабдор шахслари ҳамда ходимлари томонидан ички ишлар органлари ва «Инсон» ижтимоий хизматлар марказларига қонунчиликда белгиланган тартибда хабар бериш талабларини бузганлик учун жарима жазосини белгилаш назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВАЗИРИНИНГ АХБОРОТИ ЭШИТИЛДИ

Мажлисда рақамли технологиялар вазири Шерзод Шерматовнинг «Сунъий интеллектни ривожлантириш, устувор йўналишларга кенг жорий этиш ҳамда бу борада белгиланган лойиҳаларнинг амалга оширилиш ҳолати тўғрисида»ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси доирасида ушбу технологияларни давлат бошқаруви тизими, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳага кенг жорий этиш, миллий ҳисоблаш инфратузилмасини шакллантириш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан эса рақамли ҳукумат, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий соҳа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқий ҳимоя, қишлоқ хўжалиги ҳамда экология каби йўналишларни қамраб олган 100 дан ортиқ сунъий интеллект лойиҳаларини амалга ошириш ишлари бошланган.

Қолаверса, 6,5 миллион ҳужжат, 6,1 миллиард сўз ва 20 миллиард токенни қамраб олган «Ўзбек тили корпуси» миллий маълумотлар тўплами шакллантирилган.

Кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида амалга оширилаётган «Беш миллион сунъий интеллект етакчилари» лойиҳаси доирасида 1,6 миллион нафардан ортиқ ёшлар ўқитилиб, тегишли сертификатларга эга бўлди. Умумтаълим мактаблари учун 7 та, олий таълим муассасалари учун 3 та ўқув қўлланма ишлаб чиқилиб, 2026–2027-ўқув йилидан таълим жараёнига жорий этилди. Олий таълим муассасаларида эса 3 та сунъий интеллект лабораторияси очилди.

Ушбу чора-тадбирлар натижасида «IT Park»да сунъий интеллект йўналишидаги резидентлар сони 240 тага, кўрсатилган хизматлар ҳажми 895 млрд сўмга, экспорт ҳажми эса 75 млн АҚШ долларига етди.

«Oxford Insights» ташкилотининг Ҳукуматнинг сунъий интеллектга тайёрлик индексида Ўзбекистон 195 та давлат орасида 8 поғона юқорилаб, 62-ўринни эгаллаган.

Шунингдек, 2026 йил 16 июлда Сунъий интеллект соҳасида ҳамкорлик бўйича Жаҳон ташкилоти (WAICO) таъсис битимини имзолаган 29 та давлат қаторида Ўзбекистон ҳам жой олган.

Мажлисда депутатлар амалга оширилган ишлар билан бир қаторда, соҳада ечимини кутаётган тизимли масалаларга ҳам эътибор қаратишди. Хусусан, йил якунига қадар серверлар сонини 24 тага, график карталар сонини эса 192 тага етказиш, 2027 йилда қуввати 7 экзафлопсдан ортиқ бўлган янги ҳисоблаш кластерини ишга тушириш лозимлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, жорий йил якунига қадар олий таълим муассасаларидаги сунъий интеллект лабораториялари сонини 21 тага етказиш, улар фаолиятини иқтисодиёт тармоқларининг амалий вазифалари билан узвий боғлаш, илмий ташкилотлар, стартаплар ва ҳудудий маслаҳатчиларнинг GPU кластер ҳамда катта маълумотлар базаларидан имтиёзли фойдаланишини тўлиқ йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Муҳокамалар давомида депутатлар томонидан 2027 йил 1 февралга қадар «ai.gov.uz» миллий платформасида сунъий интеллектга асосланган дастурий маҳсулотлар Ягона реестрини ишга тушириш ва уни Давлат харидлари махсус ахборот портали билан реал вақт режимида интеграция қилиш, «Ўзбек тили корпуси»ни етакчи халқаро компанияларга тақдим этиш ва очиқ фойдаланишга жойлаштириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилди.

Мажлисда рақамли технологиялар вазирининг ушбу масала юзасидан ахбороти маълумот учун қабул қилинди.

Куннинг иккинчи ярмида соғлиқни сақлаш вазири Элдор Адиловнинг тиббиёт соҳасида рақамли технологияларни кенг жорий қилиш борасидаги ишлар, муаммолар ва уларнинг ечимлари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Шунингдек, депутатлар томонидан бир қатор бошқа қонун лойиҳалари юзасидан ҳам фикр ва таклифлар билдирилди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ТУРИЗМ – ПАРКЕНТ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЯНГИ ДРАЙВЕРИ



Мухсиддин НИЗОМИДДИНОВ, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи.

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

20 ноябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Паркент туманига ташрифи ана шу жараёнларнинг кўлами, мазмуни ва истиқболини яна бир бор намоён этди. Ташриф давомида Кумушкон ҳудудида амалга оширилаётган йирик туризм лойиҳалари, қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш, инвесторлар ва тадбиркорлар билан мулоқот, ҳудуднинг мавжуд имкониятларидан самарали фойдаланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Кумушкон ҳудудида барпо этилган “Олтин бел” туризм мажмуаси Паркент имкониятларини замонавий иқтисодий лойиҳалар билан уйғунлаштиришнинг ёрқин намунасидир. Бир йил аввал белгиланган вазифанинг қисқа муддатда кенг кўламли лойиҳага айлантирилгани, 47 гектар майдонда қарийб 700 миллиард сўмлик инвестиция ҳисобидан замонавий туризм инфратузилмаси яратилгани эътиборга молик. Бу ерда меҳмонхоналар, дам олиш уйлари, ресторанлар, аквапарк, спорт ва кўнгилочар объектлар, амфитеатр ҳамда бошқа хизматлар ташкил этилган. Мажмуа тўлиқ фаолият юритгач, бир вақтнинг ўзида 6 минг нафаргача ташриф буюрувчига хизмат кўрсатиш ва 600 та иш ўрни яратиш имкониятига эга бўлади.



Бу рақамлар ортида оддий қурилиш жараёнидан кўра кенгроқ иқтисодий мазмун бор. Чунки йирик туризм мажмуаси ўз фаолияти билан бир нечта тармоқларни ҳаракатга келтиради. Қурилиш материалларига талаб ортади, транспорт хизматлари ривожланади, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ҳажми кенгаяди, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янги бозор шаклланади. Менимча, бундай лойиҳаларнинг энг муҳим жиҳати уларнинг иқтисодий таъсири фақат ўз ҳудуди билан чекланиб қолмаслигидир. Агар йирик мажмуа атрофидаги маҳаллалар, фермер хўжаликлари, оилавий тадбиркорлар ва кичик бизнес вакиллари ҳам ушбу жараёнга фаол жалб этилса, инвестициянинг самараси янада кенгаяди.

Туризм Паркент иқтисодиётининг янги драйверига айланмоқда. Паркентнинг табиий ва географик имкониятлари туризмни ривожлантириш учун катта замин яратади. Жорий йилнинг ўтган даврида Паркентга 198,2 минг нафар хорижий ва 1,4 миллион нафар маҳаллий сайёҳ ташриф буюргани, туризм хизматлари экспорти 81,1 миллион долларга етгани соҳада эришилаётган натижаларни кўрсатади. Албатта, бу кўрсаткичлар қувонарли. Лекин эндиликда асосий эътибор фақат сайёҳлар сонини кўпайтиришга эмас, балки туризм хизматларининг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилиши лозим.

Масалан, сайёҳ Паркентга келиб, фақат бирор манзарани томоша қилиб қайтиши билан чекланмаслиги керак. У ҳудудда бир неча кун қолиши, маҳаллий меҳмонхона ва дам олиш масканларидан фойдаланиши, миллий таомларни татиб кўриши, маҳаллий маҳсулотларни харид қилиши, тарихий ва маданий масканлар билан танишиши учун шароит яратилиши зарур. Ана шунда сайёҳлар оқими маҳаллий иқтисодиёт учун барқарор даромад манбаига айланади. Кумушкондаги “Силвер Валлей” оилавий дам олиш мажмуаси ҳам бу борадаги имкониятларни кенгайтирувчи лойиҳалардан биридир. 29,5 гектар майдонда 148,5 миллиард сўм инвестиция ҳисобидан барпо этилган мажмуада 200 та иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Бу ерда оилавий дам олиш, ресторанлар, ўтовлар, спа, спорт ва кўнгилочар хизматлар йўлга қўйилган.



Туризмнинг ривожланиши маҳаллий аҳоли учун ҳам иқтисодий манфаат келтириши керак. Масалан, дам олиш масканлари маҳаллий фермерлардан озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилса, оилавий тадбиркорлар миллий таомлар ва ҳунармандчилик маҳсулотларини таклиф этса, ёшлар гидлик ва транспорт хизматларини йўлга қўйса, туризмнинг фойдаси анча кенг қатламга етиб боради. Паркентнинг узумчилик ва боғдорчилик анъаналарини ҳам ушбу йўналиш билан уйғунлаштириш мумкин. Маҳаллий узум навлари, боғлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, миллий урф-одатлар ва ҳудуд маданиятини намойиш этувчи туристик йўналишлар ташкил этиш орқали ўзига хос иқтисодий моделни шакллантириш мумкин.

Транспорт инфратузилмаси янги имкониятларга йўл очиб бермоқда. Ҳудуднинг туристик ва иқтисодий салоҳиятини рўёбга чиқаришда транспорт алоқалари алоҳида ўрин тутади. Тошкент - Паркент йўналишида электрлаштирилган темир йўл қатновининг йўлга қўйилиши туманнинг транспорт имкониятларини кенгайтириш борасидаги муҳим қадамлардан биридир.

Бу, бир қарашда, оддий транспорт лойиҳасидек кўриниши мумкин. Аслида эса унинг иқтисодий ва ижтимоий таъсири анча кенг. Пойтахт билан қулай алоқанинг йўлга қўйилиши Паркентга ташриф буюришни осонлаштиради, аҳолининг қатнов имкониятларини кенгайтиради ва ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлигини оширади. Бироқ ҳар қандай инфратузилма лойиҳасининг самараси ундан қай даражада фойдаланилишига боғлиқ. Шу сабабли темир йўл қатновини тумандаги туристик йўналишлар, жамоат транспорти ва хизмат кўрсатиш тизими билан уйғунлаштириш муҳим. Сайёҳ Паркентга қулай етиб келиши билан бирга, Кумушкон, Самсарак ва бошқа туристик масканларга ҳам осон бориши, йўналишлар ва хизматлар ҳақида зарур маълумотларни олиши лозим.

Бугунги шароитда ҳудуд иқтисодиётини ривожлантириш учун фақат давлат томонидан амалга ошириладиган лойиҳаларнинг ўзи етарли эмас. Хусусий сектор, маҳаллий тадбиркорлар, ишлаб чиқарувчилар ва ташаббускор инсонлар бу жараённинг фаол иштирокчисига айланиши керак. Тадбиркорлик учун энг муҳим омиллардан бири ишонч.

Паркентда туризм билан бир қаторда қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш имкониятлари ҳам мавжуд. Чунки туристик объектлар, меҳмонхоналар, дам олиш масканлари ва инфратузилма қурилиши маҳаллий қурилиш материалларига бўлган талабни оширади. Бу эса ишлаб чиқариш корхоналари учун янги бозор, тадбиркорлар учун қўшимча имконият, аҳоли учун эса янги иш ўринларини англатади.

Ёшлар учун имконият келажак учун инвестиция дегани. Бугун Паркентда амалга оширилаётган йирик лойиҳалар ҳам ёшлар учун янги касблар, янги меҳнат бозори ва тадбиркорлик имкониятларини шакллантириши керак.

Туризм соҳаси ривожланиши билан меҳмонхона бошқаруви, ресторан хизмати, гидлик, хорижий тиллар, туризм маркетинги, рақамли технологиялар ва бошқа замонавий касбларга эҳтиёж ортади. Шу сабабли янги лойиҳалар билан бир қаторда маҳаллий ёшларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва ишга жойлашишига кўмаклашиш масалалари ҳам долзарб. “Олтин бел” мажмуасида туризм хизматлари учун мутахассислар тайёрлашга эътибор қаратилаётгани мақсадга мувофиқдир. Ёшларга фақат имконият ҳақида гапиришнинг ўзи кифоя қилмайди. Уларга ана шу имкониятдан фойдаланиш учун зарур билим, кўникма, амалий тажриба ва ишонч ҳам берилиши керак. Шунинг учун Паркентда ривожланаётган туризм ва хизмат кўрсатиш тармоқларини таълим муассасалари, касбий тайёргарлик марказлари ҳамда ёшлар ташаббуслари билан боғлаш керак. Ёшлар янги лойиҳаларда оддий ишчи кучи сифатида эмас, балки малакали мутахассис, бошқарувчи, тадбиркор ва янги ғоялар муаллифи сифатида иштирок этиши лозим.



Хотин-қизлар бандлиги масаласида ҳам туризмнинг имкониятлари катта. Оилавий меҳмон уйлари, миллий таомлар, ҳунармандчилик, хизмат кўрсатиш ва маҳаллий маҳсулотларни сотиш орқали кўплаб хотин-қизлар ўз даромад манбаларини яратиши мумкин. Бундай ёндашувнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, иқтисодий фаоллик оилалар фаровонлигини оширади, аҳолининг ўз имкониятларига бўлган ишончини мустаҳкамлайди ва маҳаллаларда ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Паркент каби табиий салоҳияти юқори ҳудудларда иқтисодий ўсиш билан экологик масъулият бир-бирига қарама-қарши қўйилмаслиги лозим. Аксинча, замонавий энергия тежамкор технологиялар, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чиқиндиларни саралаш ва яшил ҳудудларни асраш иқтисодий лойиҳаларнинг ажралмас қисмига айланиши керак. Шу билан бирга, йирик лойиҳалар амалга оширилаётган ҳудудлар билан бир қаторда, атрофдаги маҳаллаларнинг ҳам инфратузилмаси яхшиланиши зарур. Аҳолининг ичимлик суви, электр энергияси, йўллар ва санитария билан боғлиқ кундалик эҳтиёжлари эътибордан четда қолмаслиги керак.

Президент ташрифи давомида Самсарак ҳудудида ҳаво туризми, жумладан, шар, параплан, делтплан ва бошқа кичик авиация хизматларини ривожлантириш имкониятлари ҳақида билдирилган фикрлар ҳам Паркентнинг келажакдаги туристик йўналишларини кенгайтириш учун янги истиқболлар мавжудлигини кўрсатади.

Умуман олганда, бугун Паркент олдида турган асосий вазифа мавжуд имкониятларни алоҳида лойиҳалар сифатида эмас, балки ягона ривожланиш тизимига айлантиришдир. Туризм транспорт билан, транспорт тадбиркорлик билан, тадбиркорлик бандлик билан, бандлик эса аҳоли фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, амалга оширилаётган лойиҳаларнинг натижадорлигини мунтазам ўрганиш, аҳоли ва тадбиркорлар билан мулоқот қилиш, уларни қийнаётган масалаларни тегишли ташкилотлар олдида кўтариш депутатлик фаолиятининг ҳам муҳим йўналиши ҳисобланади.

Президент ташрифи давомида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, бошланган лойиҳаларнинг давомийлигини кузатиш, тадбиркорлар ва аҳоли билан мулоқотни кучайтириш, яратилаётган имкониятлардан ҳар бир маҳалла ва хонадон манфаатдор бўлишига эришиш олдимизда турган муҳим вазифалардандир. Бугун Паркент янги имкониятлар даврига қадам қўймоқда. Бу жараёнда табиий салоҳият, инвестиция, замонавий инфратузилма, туризм, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик бир-бирини тўлдирувчи омилларга айланмоқда. Бироқ бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак: иқтисодий ўсишнинг ўзи якуний мақсад эмас. У инсонларнинг турмуш даражасини ошириш, муносиб иш ва даромад манбаларини яратиш, таълим ва касбий ривожланиш имкониятларини кенгайтириш учун хизмат қилиши лозим.

Ҳудуд тараққиётига баҳо беришда энг аввало, оддий инсоннинг ҳаётига қараш керак. У янги имкониятлардан фойдалана оляптими? Ёшлар ўз келажагини шу ҳудуд билан боғлашга интиляптими? Тадбиркор ўз фаолиятини кенгайтириш учун зарур шароитларни ҳис қиляптими? Маҳаллаларда яшаётган оилаларнинг даромади ва турмуш сифати ошяптими? Ана шу саволларга ижобий жавоб топилган тақдирдагина ислоҳотларнинг ҳақиқий самараси намоён бўлади. Паркент тараққиёти – бу фақат янги мажмуалар, йўллар ва замонавий бинолар эмас. Бу ҳар бир хонадонда даромад, ҳар бир ёшда имконият, ҳар бир тадбиркорда ишонч ва ҳар бир маҳаллада фаровонлик ортиб боришидир. Бизнинг мақсадимиз, бугун яратилаётган имкониятларни эртанги куннинг барқарор тараққиётига, энг муҳими, инсонлар ҳаётида ҳис этиладиган реал натижаларга айлантиришдан иборат.

ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИ







БАНДЛИК ФАҚАТ ИШГА ЖОЙЛАШИШ ЭМАС,

БАРҚАРОР ДАРОМАД МАНБАИГА ЭГА БЎЛИШДИР

Камбағалликни қисқартириш бу шунчаки рақамлар ёки статистик кўрсаткичлар эмас. Бу ҳар бир оиланинг дастурхони тўкинлиги, ҳар бир инсоннинг даромад манбаига эга бўлиши, фарзандлар келажагига ишонч билан қараш демакдир.

Шу боис аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўргатиш ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалалари доимо эътибор марказида. Бу борада эришилган натижалар ва олдинда турган вазифаларни муҳокама қилиш мақсадида халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан жамоатчилик эшитуви ўтказилди.

Тадбир вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик, касбий таълим ҳамда Марказий банкнинг Қашқадарё вилояти бош бошқармалари ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар масъуллари, шаҳар ва туман бандлик бўлимлари вакиллари, техникум ўқитувчилари, талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Жамоатчилик эшитувидан кўзланган асосий мақсад — вилоятда камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлашга қаратилган давлат дастурлари ижросини атрофлича муҳокама қилиш, эришилган натижаларни таҳлил этиш, мавжуд муаммоларни очиқ мулоқот орқали аниқлаш ҳамда келгусидаги устувор вазифаларни белгилаб олишдан иборат бўлди. Иштирокчилар таъкидлаганидек, мазкур йўналишдаги ишларнинг самараси фақат иш ўринлари сони билан эмас, балки фуқароларнинг доимий ва муносиб даромадга эга бўлиши, касбий маҳорати ошиши ва оилавий фаровонлиги юксалиши билан ҳам баҳоланиши лозим.

Эшитувда келтирилган маълумотларга кўра, вилоятда 2026 йилда 507 минг нафар аҳолининг бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш ва норасмий иш ўринларини легаллаштириш мақсад қилинган. Бунинг ортида минглаб оилаларнинг турмуш шароитини яхшилаш, ишсиз фуқароларни доимий даромад манбаига эга қилишдек муҳим вазифалар турибди.

Қувонарлиси, йилнинг январь–октябрь ойларида бу борада сезиларли натижаларга эришилган. Хусусан, 567 минг 839 нафар аҳолининг бандлиги таъминланиб, режа 126 фоизга бажарилган. Шундан 87 мингдан ортиқ фуқаро доимий ишга жойлаштирилган, 96 минг 927 нафар аҳолининг норасмий меҳнат фаолияти қонунийлаштирилган. 383 минг 862 нафар фуқаронинг даромадини оширишга кўмаклашилган. Натижада 2026 йил 1 октябрь ҳолатига вилоятда ишсизлик даражаси 4,3 фоизни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 0,6 фоизга камайган.

Камбағалликни қисқартириш йўналишида ҳам аниқ мақсадлар белгиланган. Йил бошида вилоятда 56,5 мингта оила камбағаллик тоифасида бўлган. Жорий йилда 27 минг 877 та оилани камбағалликдан чиқариш кўзда тутилган. Бунинг учун оила аъзоларини ишга жойлаштириш, касб-ҳунарга ўқитиш, тадбиркорликка жалб қилиш ва даромад манбаларини кенгайтириш чоралари кўрилмоқда.

Айни пайтда "Ижтимоий реестр"га киритилган 52 мингдан ортиқ оиланинг ҳар бири учун индивидуал режалар ишлаб чиқилган. Уларнинг даромадини ошириш ва мустақил ҳаёт кечиришига кўмаклашиш мақсадида 180 мингта хизмат бириктирилган.

Шу билан бирга, рақамлар ортида ҳар бир инсоннинг ҳаётий манфаати турганини унутмаслик керак. Иш билан таъминланган фуқаро нафақат ўз оиласи учун даромад топади, балки жамиятдаги иқтисодий фаолликнинг ошишига, маҳаллада ижтимоий барқарорлик мустаҳкамланишига ҳам ҳисса қўшади. Шу боис бандлик дастурларини амалга оширишда иш ўринларининг расмийлаштирилиши, меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши ва яратилган имкониятларнинг узоқ муддатли бўлиши алоҳида аҳамият касб этади.

> ЭШИТУВДА КЕЛТИРИЛГАН МАЪЛУМОТЛАРГА КЎРА, ВИЛОЯТДА 2026 ЙИЛДА 507 МИНГ НАФАР АҲОЛИНИНГ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ, ДАРОМАДИНИ ОШИРИШ ВА НОРАСМИЙ ИШ ЎРИНЛАРИНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ МАҚСАД ҚИЛИНГАН. БУНИНГ ОРТИДА МИНГЛАБ ОИЛАЛАРНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТИНИ ЯХШИЛАШ, ИШСИЗ ФУҚАРОЛАРНИ ДОИМИЙ ДАРОМАД МАНБАИГА ЭГА ҚИЛИШДЕК МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ТУРИБДИ.

Муҳокамалар давомида аҳолига ер ажратиш, имтиёзли кредит ва субсидиялар орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларни муайян йўналишларга ихтисослаштириш ҳамда банклар билан ҳамкорликда янги иш ўринлари яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, маҳалланинг мавжуд салоҳияти, аҳолининг қизиқиши ва ҳудуддаги ресурслардан келиб чиқиб, муайян соҳаларга ихтисослаштириш аҳоли бандлигини оширишда муҳим омил бўлиши қайд этилди.

Масалан, ҳудуднинг шароитига қараб, ҳунармандчилик, хизмат кўрсатиш, чорвачилик, иссиқхона хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш ёки бошқа йўналишларда кичик лойиҳаларни йўлга қўйиш мумкин. Бунда фуқарога фақат молиявий кўмак бериш билан чекланиб қолмасдан, бизнес-режа тузиш, бозорни ўрганиш, маҳсулотни сотиш ва ҳисоб-китобни юритиш бўйича амалий маслаҳат ҳам берилиши зарур. Ана шунда ажратилган кредит ва субсидиялар кутилган натижани беради.

Касбий таълим муассасаларининг бу жараёндаги ўрни ҳам муҳим. Чунки меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касбларни эгаллаган ёшлар ва ишсиз фуқаролар ўз имкониятларини кенгайтириш, ишга жойлашиш ёки мустақил фаолият бошлаш имконига эга бўлади. Шу нуқтаи назардан, касбий таълим муассасаларида ўқув дастурларини иш берувчилар эҳтиёжи билан уйғунлаштириш, назарий билимни амалиёт билан мустаҳкамлаш ва битирувчиларнинг ишга жойлашишини кузатиб бориш долзарб вазифалардан саналади.



Жамоатчилик эшитувида келгусидаги устувор вазифалар ҳам белгилаб олинди. Жумладан, ишсиз фуқароларни касб-ҳунар ва хорижий тилларга ўқитиш, ўзини ўзи банд қилган фуқаролар фаолиятини кенгайтириш, микросаноат марказларини ташкил этиш, имтиёзли кредитлар ажратиш, норасмий бандликни қисқартириш ҳамда субсидиялардан мақсадли фойдаланиш устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Хорижий тилларни ўрганиш масаласи ҳам бугунги меҳнат бозорида тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Тил билиш фуқароларга нафақат хорижда меҳнат қилиш имкониятини, балки мамлакат ичидаги хизмат кўрсатиш, туризм, таълим ва бошқа соҳаларда рақобатбардош бўлиш имконини беради. Бироқ ўқув курслари фақат сертификат олишга эмас, балки амалда қўлланадиган билим ва кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилиши лозим.

Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар фаолиятини кенгайтиришда ҳам тизимли ёндашув талаб этилади. Уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фаолиятини қонуний расмийлаштириш, молиявий хизматлардан фойдаланишини енгиллаштириш ва маҳсулот ёки хизматларини бозорга олиб чиқишга кўмаклашиш муҳим. Норасмий бандликни қисқартириш эса ходимларнинг меҳнат стажи, ижтимоий ҳимояси ва келажакдаги пенсия таъминоти билан боғлиқ ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилади.

Эшитувда депутатлар томонидан жойлардаги ҳолатни ўрганиш, аҳоли мурожаатларини таҳлил қилиш ва масъул ташкилотлар фаолиятини мунтазам эшитиб бориш зарурлиги таъкидланди. Депутатлик назоратининг асосий вазифаси фақат камчиликларни қайд этиш эмас, балки уларнинг сабабларини аниқлаш, масъул идоралар билан биргаликда ечим таклиф этиш ва белгиланган чораларнинг натижасини кузатишдан иборат.

Султон ХАМРАЕВ,
ЎзХДП Касби туман кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутати:

- Бандлик масаласига фақат ишсиз фуқарони ишга жойлаштириш нуқтаи назаридан қараш етарли эмас. Энг аввало, инсоннинг қобилияти, қизиқиши ва оилавий шароитини инобатга олиб, унга мос касб ёки даромад манбаини топишга кўмаклашиш керак. Ажратилган кредит ва субсидиялар ҳам аниқ мақсадга хизмат қилиши, улар орқали ташкил этилган фаолиятнинг натижаси эса мунтазам ўрганиб борилиши лозим.

> ЭНГ АВВАЛО, ИНСОННИНГ ҚОБИЛИЯТИ, ҚИЗИҚИШИ ВА ОИЛАВИЙ ШАРОИТИНИ ИНОБАТГА ОЛИБ, УНГА МОС КАСБ ЁКИ ДАРОМАД МАНБАИНИ ТОПИШГА КЎМАКЛАШИШ КЕРАК. АЖРАТИЛГАН КРЕДИТ ВА СУБСИДИЯЛАР ҲАМ АНИҚ МАҚСАДГА ХИЗМАТ ҚИЛИШИ, УЛАР ОРҚАЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ФАОЛИЯТНИНГ НАТИЖАСИ ЭСА МУНТАЗАМ ЎРГАНИБ БОРИЛИШИ ЛОЗИМ.

Рашид МУРТОЗАЕВ,
ЎзХДП Қарши шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП депутати:

– Камбағалликни қисқартириш жараёнида маҳалла, банк, бандлик органлари, касбий таълим муассасалари ва депутатлар ўзаро ҳамкорликда ишлаши зарур. Айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни касбга ўргатиш, уларнинг ўз бизнесини бошлаши учун шароит яратиш, иш ўринларининг расмий ва барқарор бўлишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш керак.

Мазкур фикрлар жамоатчилик эшитувида кўтарилган масалаларнинг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Зеро, ҳар бир дастурнинг самараси унинг қоғоздаги кўрсаткичлари билан эмас, балки аҳоли ҳаётидаги аниқ ўзгаришлар билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам фуқароларга ажратилаётган маблағлардан фойдаланиш жараёни очиқ ва шаффоф бўлиши, лойиҳаларнинг вазифаларнинг бажарилиши, янги иш ўринларининг барқарорлиги, касбга ўқитиш курслари самарадорлиги ва тадбиркорлик лойиҳаларининг кейинги фаолияти бўйича аниқ маълумотлар шакллантирилиши лозим.

Эшитув якунида билдирилган таклиф ва тавсияларни тегишли ташкилотлар томонидан кўриб чиқиш, улар юзасидан амалий чоралар белгилаш ҳамда амалга оширилган ишлар ҳақида жамоатчиликни мунтазам хабардор қилиб бориш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, кўтарилган масалалар ижросини депутатлик гуруҳи томонидан назоратга олиш, масъул идоралар билан ҳамкорликни давом эттириш ва аҳоли учун яратилган имкониятлардан самарали фойдаланишга кўмаклашиш муҳимлиги қайд этилди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

БИЗНИНГ ЛОЙИҲА

«ХАВФСИЗ БОҒЧА» ҚАНДАЙ ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРИШИ КЕРАК?



Болаларнинг соғлом ва хавфсиз муҳитда таълим-тарбия олиши, мактабгача таълим ташкилотларида зарур шароитларнинг яратилиши давлат ва жамият олдидаги муҳим вазифалардан биридир. Бунда биноларнинг техник ҳолати, иситиш ва электр таъминотининг барқарорлиги, ёнғин хавфсизлиги талабларига амал қилиниши, шунингдек, таълим-тарбия жараёни учун яратилган шароитлар алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис Ўзбекистон Халқ демократик партияси депутатлари томонидан мактабгача таълим ташкилотларидаги мавжуд ҳолатни ўрганиш, муаммоларни жойида аниқлаш ва уларнинг бартараф этилишига кўмаклашишга қаратилган ишлар изчил олиб борилмоқда.

Нукус шаҳридаги «Қизилқум» маҳалласи ҳудудида жойлашган 17-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида «Хавфсиз боғча» лойиҳаси доирасида навбатдаги ўрганиш тадбири ўтказилди.

Ўрганиш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти биноси янгидан қурилгани, муассаса янги инвентарлар билан таъминланаётгани қайд этилди. Бу каби янгиланишлар болалар учун қулай ва замонавий муҳитни шакллантириш, машғулотларни зарур жиҳозлар асосида ташкил этиш имкониятларини кенгайтиради. Шунингдек, иситиш тизими учун замонавий қозонхоналар ўрнатилган, электр энергияси узлуксизлигини таъминлаш мақсадида электр генератори жойлаштирилган.

Муассасада ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилиши, электр ускуналарининг техник ҳолати, болаларнинг кундалик фаолияти ва ҳаракатланиши учун хавфсиз муҳит яратилгани ҳам кўздан кечирилди. Чунки мактабгача таълим ташкилотида ҳар бир жиҳоз, муҳандислик тармоғи ва хизмат кўрсатиш тизими болаларнинг ёши ҳамда хавфсизлиги талабларига мос бўлиши зарур. Бундай масалаларга мунтазам эътибор қаратиш эҳтимолий хавфларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Ўзбекистон ХДПнинг «Хавфсиз боғча» лойиҳаси доирасидаги ёндашуви ҳам айнан шу мақсадга қаратилган. Яъни муассасалардаги шароитни жойига чиқиб ўрганиш, масъуллар билан мулоқот қилиш ва болалар манфаатларига дахлдор масалаларни депутатлик назорати орқали кун тартибига олиб чиқишдан иборат.

Яқинда Паркент туманидаги Файзобод маҳалласида жойлашган 19-сонли мактабгача таълим ташкилотида эса бошқа бир долзарб масала — қурилиш-таъмирлаш ишларининг белгиланган муддатда якунланмагани эътибор марказида бўлди. Мазкур ҳолат оқибатида 120 нафар бола боғчага қатнай олмаяпти. Бу эса нафақат таълим-тарбия жараёнининг узилиши, балки фарзандларининг кундалик машғулоти ва парвариши шу муассаса билан боғлиқ бўлган ота-оналар учун ҳам қўшимча қийинчилик туғдиради.

1961 йилда қурилган, 120 ўринга мўлжалланган ушбу боғчада таъмирлаш ишлари август ойи бошида «Ташаббусли бюджет» доирасида ажратилган 1,6 миллиард сўм маблағ ҳисобидан бошланган. Бироқ орадан қарийб тўрт ой ўтганига қарамай, ишлар ҳануз якунига етказилмаган. Ажратилган маблағ ва белгиланган муддатлардан кутилган натижа — муассасани таъмирлаб, болаларни янада қулай шароитда қабул қилиш имкониятини яратишдир. Шунинг учун қурилиш жараёнидаги кечикиш сабабларини аниқлаш, ишларнинг сифати ва маблағларнинг мақсадли сарфланишига эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга.

Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутати Муҳсиддин Низомиддинов маҳалла еттилиги ва ота-оналар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ билан биргаликда қурилиш жараёнини жойига чиқиб ўрганди. Ўрганиш давомида бажарилиши лозим бўлган ишлар, қурилиш сифати юзасидан муаммолар аниқланди.

Ўрганиш якунлари бўйича масъул ташкилотлар олдига қурилиш-таъмирлаш ишларини жадаллаштириш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини таъминлаш ҳамда бинони болалар учун хавфсиз ва қулай ҳолатга келтириш вазифаси қўйилди. Бу талаблар бир-бири билан узвий боғлиқ. Зеро, таъмирлаш ишларининг тезлаштирилиши қурилиш сифатига путур етказмаслиги, маблағларнинг мақсадли ишлатилиши эса кўзланган натижага эришишга хизмат қилиши лозим.

> ШУ НУҚТАИ НАЗАРДАН, ПАРКЕНТ ТУМАНИДАГИ 19-СОНЛИ БОҒЧАДАГИ ҲОЛАТ ДЕПУТАТЛИК ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИДА ҚОЛАДИ. ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ ЯКУНЛАНИШИ, АНИҚЛАНГАН КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛИШИ ВА МУАССАСАНИНГ БОЛАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШГА ТАЙЁР ҲОЛАТГА КЕЛТИРИЛИШИ ЮЗАСИДАН ЎРГАНИШЛАР ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ.

Мазкур масалага фақат қурилиш объекти сифатида қараш тўғри бўлмайди. Гап 120 нафар боланинг мактабгача таълим ташкилотига қайтиши, уларнинг тенгдошлари билан мулоқот қилиши, машғулотларда иштирок этиши ва кун тартибининг изчил давом этиши ҳақида бормоқда. Шу билан бирга, боғчанинг ўз вақтида ишга тушиши ота-оналарга ҳам кундалик меҳнат ва оилавий режаларини барқарор ташкил этишда муҳим ёрдам беради. Демак, таъмирлаш ишларининг сифатли якунланиши бевосита болалар ва оилалар манфаатига дахлдор масаладир.

Ўзбекистон ХДП болаларнинг сифатли таълим-тарбия олиши, мактабгача таълим ташкилотларида хавфсиз ва муносиб шароит яратилишини муҳим ижтимоий вазифа, деб билади. Шу нуқтаи назардан, Паркент туманидаги 19-сонли боғчадаги ҳолат депутатлик ва жамоатчилик назоратида қолади. Қурилиш ишлари якунланиши, аниқланган камчиликлар бартараф этилиши ва муассасанинг болаларни қабул қилишга тайёр ҳолатга келтирилиши юзасидан ўрганишлар давом эттирилади.

Қоровулбозор туманидаги 7-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида ўтказилган ўрганиш эса куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалаларига қаратилди. Халқ депутатлари Қоровулбозор туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутати Г. Нарзиева ҳамда котибият бош мутахассиси С. Бекҳайдарова муассасадаги мавжуд шароитни жойига чиқиб кўздан кечирди.

Ўрганиш давомида иситиш қозонлари ва бошқа ускуналарнинг техник ҳолати, гуруҳ ва ётоқхоналар, машғулот хоналарининг иссиқлик билан таъминланганлиги кўриб чиқилди. Шунингдек, электр таъминоти ҳамда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилишига эътибор қаратилди. Иситиш тизимининг ишончлилиги болалар саломатлиги ва муассасадаги кундалик тартиб учун муҳим омил ҳисобланади. Шу боис қозонхона ва ускуналарнинг техник созлиги, хоналарда иссиқликнинг етарли даражада бўлиши ҳамда хавфсизлик қоидаларига амал қилиниши доимий назоратни талаб этади.

Аниқланган масалалар юзасидан масъулларга тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди. Камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, иситиш тизимининг мавсум давомида барқарор ишлашини таъминлаш зарурлиги қайд этилди. Бундай ўрганишларнинг аҳамияти шундаки, мавсум бошида ёки унинг давомида юзага келиши мумкин бўлган носозликларга бефарқ қаралмайди, уларни бартараф этиш бўйича масъуллар эътибори аниқ вазифаларга қаратилади.

Учта ҳудудда ўтказилган ўрганишлар мактабгача таълим ташкилотларидаги шароитни баҳолашда бир-бирини тўлдирувчи муҳим йўналишларни қамраб олди. Ҳар бир ҳолатда асосий эътибор болалар манфаати, уларнинг саломатлиги ва таълим-тарбия олиши учун муносиб муҳит яратишга қаратилди.

Ўзбекистон ХДП таълим-тарбия муассасаларидаги муаммоларни ўз вақтида аниқлаш, масъул ташкилотлар билан ҳамкорликда уларнинг ечимига эришиш ва аҳоли мурожаатларига эътиборли бўлишни депутатлик фаолиятининг муҳим қисми, деб ҳисоблайди. Депутатлик назоратининг самараси фақат ўрганиш ўтказиш билан эмас, балки берилган тавсия ва кўрсатмаларнинг ижроси, аниқланган камчиликларнинг бартараф этилиши ҳамда натижанинг болалар ва ота-оналар ҳаётида сезилиши билан белгиланади.

Ҳар бир боғчада болалар ўзини хавфсиз ҳис қиладиган, соғлом муҳитда тарбияланадиган ва сифатли таълим-тарбия олиши учун зарур шароитлар яратилиши лозим. Бу йўлда депутатлик ва жамоатчилик назорати изчил давом эттирилади.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА



СИРДАРЁ:

СВЕТОФОР – ТАРТИБ ВА ҚУЛАЙЛИК ГАРОВИ

Халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутати Гулнора Боймирзаева “Маърифат” маҳалласи аҳолиси мурожаатлари асосида депутатлик сўрови юборган эди.

Сўровда Талабалар кўчасидаги ўзаро боғловчи икки чорраҳага светофор ўрнатиш, шунингдек, 3- ва 9-сонли мактаблар ҳамда мактабгача таълим ташкилотлари яқинидаги пиёдалар ўтиш жойларини йўл чизиқлари билан белгилаш масалалари кўтарилган.

Депутатлик сўрови ижроси таъминланиб, икки чорраҳага светофорлар ўрнатилди, пиёдалар ўтиш жойлари белгиланди.

Ўзбекистон ХДП депутатлари аҳоли мурожаатлари асосида ҳудудлардаги долзарб масалаларни ўрганиш ва уларнинг амалий ечимига эришишни ўз фаолиятининг муҳим йўналиши деб билади.

СУРХОНДАРЁ:

МАКТАБ ҚИШГА ТАЙЁРМИ?

Халқ депутатлари Денов туман Кенгаши депутати Б.Хидиров томонидан тумандаги 57-сонли умумтаълим мактабининг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати ўрганилди.

Ўрганиш давомида мактабга ажратилган 53 тонна кўмир захираси, унинг сақланиш ҳолати ҳамда таълим муассасасининг иситиш мавсумига тайёргарлик жараёни кўздан кечирилди.



Шунингдек, мактаб биноларини узлуксиз иссиқлик билан таъминлаш, ўқувчилар ва педагог ходимлар учун қулай ҳамда хавфсиз шарт-шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўрганиш якунида аниқланган масалалар юзасидан тегишли масъулларга тавсиялар бериш ҳамда уларнинг ижросини депутатлик назорати тартибида кузатиб бориш белгиланди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ:

ТАЛАБАЛАР БИЛАН ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳамда Тошкент Фан ва технологиялар университети ҳамкорлигида талаба-ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш, ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш ва фуқаролик позициясини мустаҳкамлашга қаратилган “Сиёсатчи ёшлар” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Учрашувда Ўзбекистон ХДПнинг ижтимоий адолат, тенг имкониятлар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари манфаатларини таъминлаш борасидаги сиёсий позицияси ҳақида сўз юритилди. Шунингдек, ёшларнинг таълим олиши, касбий ривожланиши ва жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш масалаларига эътибор қаратилди.



Мулоқот давомида ёшларнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, етакчилик салоҳиятини ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди. Очиқ мулоқотда талабалар ўз таклифларини билдириш, партия фаолияти ва унинг дастурий мақсадлари юзасидан саволлар бериш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон ХДП ёшларни мамлакат тараққиётига дахлдор, ўз қарашлари ва ташаббусларига эга фаол ижтимоий куч сифатида кўради. Шу боис уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, сиёсий жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш ва ташаббусларини рўёбга чиқариш партия фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир.

НУҚТАИ НАЗАР

ЭВРИЛАЁТГАН ШУУР



Фармон ТОШЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист, халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгаши депутати, ЎзХДП аъзоси.

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Эврилиш оғир кечадиган жараён, бироқ ҳамиша инсоннинг янги эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Эврилиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун одамларни ана шу ўзгаришларга бошлай олиш, ишонтириш, уларни шу жараёнга жалб қилиш муҳимдир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ана шу миссияни кўз ўнгимизда биз кутгандан ҳам зиёда уддалай оляпти.

Жамият ўзгаряпти, ҳаёт ўзгаряпти, шунга яраша нуқтаи назаримиз ҳам эвриляпти, шууримиз эвриляпти.

БОШЛАНИШИ ШУНДАЙ ЭДИ

Ҳар қандай янгилик ўз-ўзидан бўлмас экан. Бироқ, шитобли замонада мавридини кутиш ҳам вақтни беҳуда сарфлаш билан тенг. Муайян бир муҳитга, турмуш тарзига кўниккан одамларнинг тасаввурини ўзгартиришдан оғир иш йўқ. Ҳамма тинчини ўйлайди. Фақат замон шиддат билан ривожланиб бораётган бир пайтда кўникишга кўникиб қолиш асло мумкин эмас эди.

Президент Шавкат Мирзиёев дунёни кўрган, халқаро ҳаётдан бохабар инсон сифатида масалани қатъий қўйди: **Биз дунёга эшикларимизни очишимиз керак!** Ва буни қўшнилардан бошлади. Қатъият, эзгу мақсад устун келди. Дарвозаларимиз дунёга кенг очилди. Ўз навбатида дунё ҳам бизга бағрини очди. Ана шу муҳим сиёсий нуқта мамлакатдаги ўзгаришларнинг, инқилобий ўзгаришларнинг бошланиши эди! Чунки биз дунё билан бўйлашганда, қўшни давлатлар билан ҳамкорликка киришганда, улар билан рақобатга ҳам мослашишимиз керак. Ана шу муддао шууримизга таъсир кўрсатди.

Келинг, тушунарли бўлиши учун айрим ҳолатларни эслатиб ўтай. Биз қисқа муддатда хориждан келтирилаётган арзон кийим-кечаклардан воз кечдик. Ҳар бир қишлоқда замонавий ошхоналар пайдо бўла бошлади. Истироҳат боғлари кўпайди. Ички сайёҳлик деган жараён бошланди. Аёлларимиз синтетик толадан тўқилган ялтир-юлтир матоларнинг зарарини тушуниб етди. Ўзимизнинг тадбиркорлар, ишбилармонлар пайдо бўлди. Бу шууримизнинг эврилиши эди.

ИМКОН ҲАМИША БЎЛГАН ВА БЎЛАДИ

Инсон ўз ҳаётини яхшилаши учун ҳамиша имкон топа олади. Гап иштиёқ ва ҳаракатда. Баъзан эса ҳаётнинг ўзи бунга мажбур қилади. 2002 йилда Самарқанд вилоятида нақд пул етишмаслиги сабабли пахта йиғим-теримида иштирок этганларга ҳақ тўлашда муаммо юзага келди. Терган пахтаси учун ҳашарчиларга хизмат ҳақини қандай бериш керак? Айрим жараёнларни қонун кўтармайди, лекин рағбатлантирилмаса, пахта ҳам терилмай қолади. Ана шундай бир пайтда вилоят ҳокими бўлиб ишлаган Шавкат Мирзиёев банк ходимларига таклиф киритди. Ҳашарчига ҳам, деҳқонга ҳам ҳисоб рақами очиб, унга хизмат ҳақини кўчирсак, қандай бўлади? Кўпчилик маъқуллади. Икки йил давомида ана шу усул натижа берди. Банк ходимлари ўз нуқтаи назарларини ўзгартиришди. Улар ҳар қандай ҳолатда ҳам мавсумда иштирок этган инсонни рағбатлантириш шартлигини тушуниб етди. Табиийки, бу усулдан деҳқонлар ҳам рози бўлди.

САЙЁҲЛИК ДИДИМИЗНИ ОШИРДИ

Ўзбекистон аҳолиси шууридаги эврилишларнинг жуда катта қисми халқаро ва ички сайёҳлик билан боғлиқ. Бу борада қабул қилинган фармон ва қарорлар, қонунлар ижтимоий муҳитни тубдан ўзгартирди, десак хато қилмаймиз. Айниқса, Касаба уюшмалари федерацияси ташаббуси билан амалга оширилаётган ички туризм бугун бутун мамлакатни қамраб олди. Тармоқдаги барча санаторий ва оромгоҳлар, меҳмонхоналар ишлаб кетди, гавжумлашиб қолди, янги-янги хизмат турлари пайдо бўлди. Чунки юртдошларимиз ўз Ватанларидаги саёҳатлар орқали ҳордиқ чиқаришдан лаззат ола бошлади. Тарихий обидалар, табаррук қадамжолар сеҳридан кўнгиллари ёришди.

Айниқса, халқаро туризмда биз жуда катта янгиликларга дуч келдик. Аниқроғи, уни ўзимиз яратдик.

Тасаввур қилинг, бугун нафақат хориждан, ҳатто Самарқандга қўшни вилоятдан келадиган сайёҳ ёки меҳмон ҳам меҳмонхонада тренажёрлар ва бассейн бўлишини истайди. Эски услубдаги меҳмонхоналарга бормайди. Бундай талаб, табиийки, соҳа ходимларининг ўз меҳнатига бўлган муносабатини ўзгартирди. Гарчи 200 та меҳмонхонанинг 100 таси пандемия давригача ишлаган бўлса-да, улардаги шароит ҳаминқадар эди. 2023 йилдан кейин барпо этилган меҳмонхоналар эса жаҳон талабларига жавоб берадиган даражада. Хизмат кўрсатиш турлари ҳам 2-3 баравар кўпайди. Бу соҳада кластерлар пайдо бўлди. Соҳа ходимлари хорижда, ривожланган давлатларда ўқишини, тажриба орттиришини таъминлашди, маблағни аяшмади. Натижада бу кластерлар меҳмонхона, сайёҳлик фирмалари ва бошқа ўнлаб хизматларни бирлаштириш имкониятига эга бўлди. Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси, ниятлари, бевосита амалий ёрдами туфайли сайёҳликда инқилобий ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, божхона тўловидан озод этилганлиги сабабли биргина Самарқанд шаҳрига шу йилнинг ўзида 19 та энг замонавий сайёҳлик автобуси келтирилди. Ана шундай имкониятлар боис вилоятда етти йил ичида сайёҳларнинг келиши 150 фоизга кўпайди. Сайёҳларга хизмат кўрсатишда ҳам Президент томонидан яратилган имтиёзлар даромадни кўпайтиряпти. Соҳа ходимлари меҳмонларга қайси хизмат тури ёки нималар қадрли эканлигини мониторинг қилишни ўрганишди. Шунинг учун бевосита қўл меҳнати билан ясалган буюмлар – сўзана, гилам, шолча, мис ва ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари саноат усулида йўлга қўйилди.

Тасаввур қиляпсизми, 2016 йилда мамлакатимизга 600 минг нафар атрофида сайёҳ келган бўлса, бугун Ўзбекистон сайёҳликда Марказий Осиёнинг чинакам хаби бўлишга даъвогар бўлиб турибди. Бу улкан режа шууримизнинг эврилиши эмасми?

ИЛМДАН БОШҚА НАЖОТ ЙЎҚ!

Президентимиз ҳар бир анжуманда, мулоқотда бу сўзни такрор ва такрор айтади. Ислоҳотларнинг энг мураккаби ҳам ана шу тизимда кечяпти. Халқ билан маслаҳатлашиш, мутахассислар фикрини олиш бу соҳадаги ўзгаришларни босқичма-босқич амалга оширишга имкон беряпти. 11 йиллик ўрта таълимга ўтиш, техникумларни қайта тиклаш, касб-ҳунар марказларининг очилиши, бу ишга хорижлик сармоядорларнинг жалб этилиши ўз самарасини беряпти. Айниқса, дуал таълим ёшларнинг касб-ҳунар ўрганишида энг қулай усулга айланди. Робототехника бўйича ёшларимизнинг жаҳон чемпионатида биринчи ўринни олиши фикримизнинг ёрқин исботидир. Фақат бугина эмас, биз нафақат халқаро олимпиадаларда фарзандларимизнинг ютуқларини кўряпмиз, балки ўзимизда ҳам ана шундай интеллектуал тадбирларни ўтказяпмиз. Ҳар йили минглаб йигит-қизларимиз ўрта мактабни битириш баробарида хориждаги кўплаб нуфузли олийгоҳларга талаба бўлишаётир.

Албатта, мактабга қатнаган ҳар бир ўғил-қиз илмли, техникумга борган талаба зўр мутахассис бўлиб кета олмайди. Иштиёқ ва заковати баландлар қўли доимо баланд туради. Ана шу нозик масалада ҳам саралашларни адолатли ўтказиш, ҳар бир болани ёшлигиданоқ меҳнат қилишга, илм олишга иштиёқли қилиб тарбиялаш чоралари кўрилаётир. Бошқача айтганда, боладан кўра, ота-оналарнинг, жамиятнинг ана шу масалага нуқтаи назарини ўзгартириш долзарб бўлиб қолди.

Келинг, бир ҳолатни эслайлик: илгари ўрта мактаб



битирувчиларининг 10 фоизга яқини олийгоҳларга талаба бўларди. Кириш имтиҳонларидаги ўзибўларчилик, порахўрлик одамларда олийгоҳларга бўлган ишончни йўқотганди. Ана шундай бир пайтда давлатимиз раҳбари халқ билан маслаҳатлашиб, тест синовларининг ошкоралигига эриша олди. Ота-оналар ўз фарзандларининг имтиҳон топшириш жараёнларини очиқ-ойдин кўриб туришди. Кириш бали сал пастроқ бўлган ёшларга шартнома асосида ўқишга имкон берилди. Бундан ташқари, хусусий олийгоҳлар, ҳорижий университетларнинг филиаллари очилди. Натижада талабалар сони 4-5 бараварга кўпайди.

Ана шу жараёнда аста-секин нуқтаи назаримиз ўзгарди. Негаки, янги корхоналар ёшларни дипломига қараб эмас, балки малакасига қараб ишга қабул қила бошлади. Чунки дунё талаби шундай. Натижада нафақат ота-оналар, ёшларнинг ўзи ҳам малака олиш, мутахассисликни эгаллаш дипломдан кўра муҳимроқ эканлигини англаб етди. Икки-уч йилдан буён шартнома асосида ўқийдиганлар сони камайганлиги фикримизни исботлаб турибди.

Яқинда ҳузуримга бир танишим келди. Неварасининг ярим йилдан буён ишга кира олмаётганлигини, иш ўринлари ярмаркалари йўлланмаси ҳам наф бермаётганлигини айтиб ўтди. Мен собиқ талабадан қаерда амалиёт ўтаганини сўрадим, у аниқ жавоб бера олмади. Сўнг бобосига бугун олийгоҳлар, йирик корхоналар замонавий иш услубига ўтгани, талаба агар учинчи ёки тўртинчи курсда ўзи амалиёт ўтаган жойда у ёки бу ишга муносиб кўрилмаса, бу унинг айби эканлигини тушунтирдим. Бундан ташқари, Президент ташаббуси билан юқори курс талабаларига ишлаш ҳуқуқи берилди. Демоқчиманки, таълимда нуқтаи назарнинг ўзгариши оғирроқ кечяпти. Шу сабабли янгитдан ташкил этилган Таълим ва илм-фан вазирлиги олдига жамият эътиборини, давлат эътиборини, ота-оналар эътиборини мактабларга жалб қилиш вазифаси қўйилди.

ЭРКИНЛИК – МАСЪУЛИЯТ ДЕМАК

Дунё ҳамжамиятига қўшилгандан кейин илғорлар баробарида қадам ташлаш зарур. Бу – олтин қоида. Биз кўплаб халқаро ташкилотларга аъзомиз. Президент ва парламент сайловлари муносабати билан хориж жамоатчилиги сиёсий тизимимизни пухта ўрганди, кўпчилиги ҳамкорликка киришди. Бундай муносабатлар ўз-ўзидан бизнинг сиёсий ҳаётимизга бўлган нуқтаи назаримизни ўзгартирди. Айниқса, давлат раҳбарининг Олий Мажлисга ва халқимизга ҳар йилги Мурожаатлари бошқа соҳаларда бўлгани каби сиёсатда ҳам янги босқични бошлаб берди.

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак!».

Бу шиор барча ислоҳотларнинг моҳиятини белгилаб берди. Ушбу жараённинг босқичма-босқич амалга оширилиши, энг аввало, сиёсатимизнинг тўғри йўлдан бораётганлигини кўрсатди. Шунинг учун халқаро рейтингларда Ўзбекистон йилдан-йилга, ойдан-ойга юксалиб бормоқда. Масалан, вилоят ва туманларда маҳаллий Кенгашлар билан ижро ҳокимияти функцияларининг аниқ белгилаб берилиши, улар ваколат ва бурчларининг қонунга алоҳида норма сифатида киритилиши иккала сиёсий кучнинг ҳам ташаббускорлигини таъминлади.

Бугун биз вилоят Кенгаши сессияларида ҳудудга тегишли долзарб муаммолар, лойиҳалар ижроси юзасидан ижро ҳокимияти раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам эшитиб борамиз. Муҳими, уларнинг фаолиятига қатъиятлилик билан баҳо бериляпти. Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг кенгашлар томонидан тақсимланиши ҳам адолатни таъминлашга хизмат қилаётир. Депутатлик сўрови ижроси таъминланмаганда бундай ҳолатга нисбатан жавобгарлик белгиланиши эса ижро органлари раҳбарларининг депутат ва аҳоли мурожаатларига муносабати ўзгаришига асос бўлди.

Ўз ўрнида депутатнинг ҳам ваколати ва мажбуриятига нуқтаи назари ўзгарди, фаоллиги ошди. Қонунлар нафақат мутахассислар, балки умумхалқ муҳокамасидан ҳам ўтяпти. Шу сабабли парламентимиз қабул қилинаётган қонунларга изоҳ ва шарҳларга ҳожат қолмаяпти. Янги Конституциямизни қабул қилишда аҳоли томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар ҳам фикримизнинг исботидир.

КАМБАҒАЛ БЎЛИШГА ҲАҚИМИЗ ЙЎҚ!

Ҳурматли Президентимиз бизни ана шу хулосага ишонтирди! Йўқ, бу ишонч ўз-ўзидан пайдо бўлмади. У киши дастлаб жаҳон ҳамжамияти олдида Ўзбекистонда камбағаллар борлигини тан олди ва бизга камчиликларимизни аниқ билсаккина, уни бартараф этиш чораларини кўра олишимизни тушунтирди.

Камбағаллик сабабларини аниқловчи жуда катта гуруҳлар ишлади, амалий, илмий хулосалар қилинди. Унда инсоннинг дангасалик иллатидан то айрим идоралардаги бюрократик ҳолатлар, қонунчиликдаги етишмовчиликлар ҳам ҳисобга олинди. Махсус вазирлик ташкил этилди. Ҳар бир соҳада, ҳар бир маҳаллада фуқароларни камбағалликдан чиқариш чоралари белгиланди. Ёшлар, хотин-қизлар орасида томорқада ишлайдиганлар, тадбиркорлик қиламан деганлар – ҳаммаси алоҳида рўйхатга олиниб, уларни даромад манбаи билан таъминлашга киришилди. Тўғриси, одамларнинг ўзида ҳам ҳаракат бошланди. Маҳаллалар маълум бир қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириш, ҳунармандлик, тадбиркорлик билан шуғулланишга ихтисослашди. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос ривожланиш истиқболи белгиланди. Бунинг натижасида бугун Пахтачида иссихона хўжалиги ва лимончиликка ихтисослашган, Иштихонда майиз ва қурут тайёрлайдиган, Оқдарёда ёнғоқчилар, Ургутда қуруқ меваларни тўплаб, хорижга экспорт қиладиган, Тойлоқ ва Жомбойда малина етиштирадиган, Булунғурда боғдорчилик ва сабзавотчилик билан шуғулланадиган маҳаллалар пайдо бўлди. Агар 2021 йилда мамлакатда камбағаллик даражаси тахминан 23 фоиз атрофида бўлган бўлса, ўтган йил якунига кўра бу кўрсаткич 5,8 фоизга камайди. Жорий йилнинг 8 ойи якунида эса камбағаллик даражаси 3,9 фоизни ташкил этади.

Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда даромадлар ҳажми 8-9 баробар ошди, инфляция даражаси чегириб ташланганда аҳолининг реал даромади 2010 йилга нисбатан 120-150 фоизга кўпайди. Аҳоли жон бошига гўшт, сут, мева-сабзавот, қандолат маҳсулотлари истеъмол қилиш ҳажми 35 фоиздан 55 фоизга етди. Истеъмолчилик савиямизнинг ошганлигини шундан ҳам билиш мумкинки, кунлик рационимизда ун ва ғалла маҳсулотлари улуши камайди, оқсил ва витаминларга бой маҳсулотлар салмоғи ошди.

Жуда кўп соҳаларда маошлар оширилди, қўшимча устамалар белгиланди, иш билан таъминлашда эса фуқароларнинг мунтазам даромад топиш манбалари белгиланди. Жойларда касбларга ўқитиш мактаблари очилди. Одамлар ўз ҳаёти учун ўзи масъул эканлигини англади. Бундай ишонч ва нуқтаи назар, табиийки, одамларни кўпроқ даромад олиш учун билими ва маҳоратини ишга солишга ундамоқда.

ЎЗИНГ ЯХШИ – ОЛАМ ЯХШИ

Яқин-яқинларгача мамлакатимиз аҳоли турмуш даражаси ва яна кўплаб инекслар бўйича халқаро рейтингларнинг охирида турарди. Хорижда эса “Мен Ўзбекистонданман”, десак, ҳалиги одам жойимизни билмасдан каловланиб қоларди. Бугун эса “Мен Ўзбекистонданман!” десак, наинки танийдиган, балки эътироф этадиганлар кўпайди. Бизни давлатимизнинг иқтисодий кўрсаткичлари, хорижга экспорт қилаётган маҳсулотларимиз, энг муҳими, интеллектуал салоҳиятимиз, спортчиларимиз эришаётган натижалар орқали яқиндан билишяпти, Ўзбекистонга қизиқишяпти. Чунки ўзинг яхши – олам яхши. Бутун дунё Ўзбекистондаги ўзгаришларни, шууримиздаги ўзгаришларни тан олди. Дунё биз билан ҳисоблашадиган бўлди. Ҳисоблашганда ҳам бизнинг таклифларимизни қўллайдиган бўлди. Ҳатто Бирлашган Миллатлар Ташкилоти айнан Ўзбекистон давлатининг ташаббуси билан ўндан зиёд резолюция қабул қилди. ЮНЕСКОнинг нуфузли, тарихий анжумани мамлакатимизда ўтказилди. Жаҳон шахмат олимпиадасига мезбонлик қилдик ва иккинчи марта ғолиб бўлдик. Давлатимиз раҳбари кўплаб мамлакатлардаги энг нуфузли мукофотлар билан тақдирланди. Бунинг замирида миллат сардорининг ҳаловатсиз онлари, орзу-ўйлари, машаққатли курашлари, ўз юрти ва халқига чинакам садоқати ётибди. Шунинг учун ҳам бизнинг шууримиздаги ўзгаришлар айни замонда битта мақсадга қаратилиши керак – мен элпарвар Президентимга, бунёдкорлигини кўрсатаётган халқимга, кундан-кун қудрати ошаётган давлатимга муносиб иш қила оляпманми?

Эврилиш… Бу бир кунда, бир ойда, ҳатто бир йилда ҳам амалга ошадиган иш эмас. Айрим соҳаларга қанчалик маблағ сарфламайлик, кўнгилдаги натижаларга эриша олмаяпмиз. Бу бор гап. Лекин бу жараён тўхтамайди. Асосий мақсад – ким биландир баҳслашиш, рақобатлашиш эмас, балки ҳар бир ҳаракатимиз инсон қадрини улуғлаш билан боғлиқдир. Инсон қадри эса унинг барча истаклари эмас, балки оқилона эҳтиёжидан келиб чиқади. Шууримиз эврилаётганлигининг яна бир кўриниши шундаки, юртдошларимиз эндиликда ўз ҳудудларини, ўз хонадонини обод қилишга, ўзини уддалашга ҳаракат қилмоқда.

Кечагина чўл шароитида тирикчиликда қийналган аҳоли бугун лалми ерларда ҳам, яйловларда ҳам боғ-роғлар яратмоқда. Чунки бундай фидойилар учун айнан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жуда катта имтиёзлар бериляпти. Қизиғи шундаки, бундай маҳаллаларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳатто экспортга йўналтириляпти. Демак, қишлоқ аҳолиси ҳам «Агар ҳаракат қилсам, давлат имтиёзларидан тўғри фойдалансам, биринчидан, ҳаётим фаровон бўлади, иккинчидан, даромадим ошади», деган хулосага келди.

Давлат – ғоясиз, халқ – мақсадсиз яшамайди. Бу икки тушунчанинг муштарак бўлиши мамлакатнинг қудратини белгилайди. Бизнинг мамлакатда давлат халқни ўз манбаи деб билади, унинг қадри учун ҳамма чораларни кўради. Халқнинг мақсади эса бошқалардан кам бўлмай яшаш, фаровон яшаш ва шунинг баробарида шу Ватаннинг қудрати, обрўси учун ҳисса қўша олиш. Бугун ана шундай муштарак мақсадда бўлган давлатимиз қудратига ҳам, халқимиз орзуларига ҳам кўз тегмасин.

МЕНДА ТАКЛИФ БОР

Хабарингиз бор, яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташаббуси билан ўтказилган навбатдаги "Мунозара майдони"да алимент муносабатларида адолатни таъминлаш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва ота-оналарнинг фарзандлар олдидаги масъулияти каби муҳим масалалар муҳокама қилинди.



КЕЧИККАН АЛИМЕНТ — «ҚАЙТМАЙДИГАН» БОЛАЛИК

Зеро, алимент масаласи фақат қонунчилик ёки моддий мажбурият доирасидаги масала эмас. Унинг замирида боланинг тақдири, эртанги куни, ҳуқуқ ва манфаатлари мужассам. Шу боис, мазкур мавзуга бефарқ қараб бўлмайди.

Тасаввур қилинг, суд алимент ундириш тўғрисида қарор чиқарди. Ижро варақаси Мажбурий ижро бюросига топширилди. Орадан бир ой, уч ой, бир йил ўтди. Ота «расман ишсиз», номида мулк йўқ, баъзан иш излаб хорижга кетган. Қарз йиғилаверади, бола эса ўсаверади.

Айнан шундай вазиятлар учун 2022 йилда «Алимент тўловлари жамғармаси» ташкил этилган. Ғоя тўғри ўйланган: ота тўламаса, болага давлат ёрдам беради. Лекин рақамлар бу ёрдам ҳали жуда оз болага етиб бораётганини кўрсатмоқда.

Мажбурий ижро бюроси 2026 йил 20 февралдаги матбуот анжуманида 350 мингдан ортиқ алимент тўловчи билан иш олиб борилаётганини маълум қилди. Уларнинг 61 фоизи, яъни қарийб 214 минг киши расман ишсиз ёки доимий даромадга эга эмас. Бошқача айтганда, алимент тўлаши керак бўлган ҳар беш кишидан учтасининг ойлигидан пул ушлаб қолишнинг иложи йўқ.

Бюро ишини суст, деб бўлмайди. 2025 йилда 3,1 триллион сўм алимент ундирилган, бу 2024 йилга нисбатан қарийб 1 триллион сўм кўп. 16 мингдан ортиқ қарздор маъмурий жавобгарликка тортилган, 23 мингдан зиёд ишсиз тўловчи ишга жойлаштирилган, 13,8 минг оила ярашган.

Энди иккинчи рақамга қаранг. Худди шу 2025 йилда Алимент тўловлари жамғармаси 588 нафар ундирувчига 26,8 миллиард сўм тўлаган. 350 минг алимент иши фонида бу тахминан 0,17 фоиз, яъни ҳар 600 та ишдан биттасига тенг дегани. Жамғарма иш бошлаган 2022 йилдан буён эса жами 2 250 нафар ундирувчининг 3 472 нафар фарзанди учун 64 миллиард сўм тўланган. Доимий даромади йўқ 214 минг тўловчи ортида турган болалар сони билан солиштирилса, бу денгиздан томчи.

2025 йилда бир ундирувчига ўртача 45 миллион сўмдан ортиқ тўғри келган. Сумма катта. Лекин у жамғарма ҳар ойлик кўмак эмас, йиллаб йиғилиб қолган қарзни бир йўла ёпадиган механизмга айланиб қолганидан далолат беради.

Жамғарма фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 3 августдаги 427-сон қарори билан тартибга солинади. Жамғармага дастлаб Мажбурий ижро бюросини ривожлантириш жамғармасидан 50 миллиард сўм ажратилган. Қарорни диққат билан ўқисангиз, кам қамровнинг сабаби пулда эмас, тизимнинг ўзида экани аён бўлади.

Қарорга кўра, жамғарма фақат битта ҳолатда тўлайди, яъни қарздор вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлагани учун жиноий жавобгарликка тортилган бўлса ва ундиришнинг барча чоралари натижа бермаган бўлса. Бошқа ҳеч бир ҳолатда жамғарма алиментни қопламайди.

Жамғарма давлат ижрочиси қарорида кўрсатилган тўпланган қарзни бир йўла тўлайди. Бунинг учун аввал қарз йиғилиши, кейин жиноят иши очилиши, сўнг ундиришнинг барча чоралари тугаши керак. Бу жараён ойлаб, кўпинча йиллаб давом этади. 2025 йилдаги ўртача 45 миллион сўмлик тўлов айнан шуни кўрсатади.

Боланинг эҳтиёжи эса ҳар ой такрорланади. Икки йилдан кейин бир йўла тушган пул ўтган қишнинг совуғини ҳам, ўқув йили бошидаги ташвишни ҳам қайтара олмайди. Ижтимоий ҳимоянинг маъноси ёрдамни айнан керак бўлган пайтда беришдир.

Қарорда бир болага ойига қанча ва қанча муддат тўланиши, тўловнинг юқори чегараси ҳам белгиланмаган. Маблағ етмаса, тўловлар навбат бўйича амалга оширилади. Яъни бола яна навбатда кутади.

Қарздорнинг мол-мулки ва даромади топилмаса, жамғарма икки ой давомида унинг мулкий ҳолатини идоралараро электрон тизим орқали кузатади. Ўзгариш бўлмаса, қарз ҳисобдан чиқарилади.

Олий Мажлис Сенати 2025 йил июнда ҳукуматга юборган парламент сўровида жамғарма тўлаган 40,6 миллиард сўмнинг атиги 2 фоизи, яъни 849 миллион сўми қарздорлардан қайтарилганини таъкидлаган. Ўша йили ҳукумат жамғарма тўлаган маблағни ундиришни Бюро фаолиятининг асосий кўрсаткичлари қаторига киритди, аммо қарзни ҳисобдан чиқариш нормаси ўзгаришсиз қолди.

Алиментни давлат олдиндан тўлаб, кейин қарздордан ундириши Европанинг кўплаб давлатларида ўнлаб йиллар давомида синалган. Энг муҳими, уларнинг бирортасида ҳам тўлов учун отани жиноий жавобгарликка тортиш шарт қилиб қўйилмаган.

Мисол учун, Германияда бу тизим 1980 йилдан буён «алимент аванси» номи билан ишлайди. Иккинчи, ота-она алимент тўламаса, тартибсиз ёки кам тўласа, давлат бола 18 ёшга тўлгунча ойлик тўлов беради. 2017 йилдан бошлаб тўлов муддатига қўйилган чеклов бекор қилинган. Давлат тўлаган маблағни кейин қарздордан ўзи ундиради. Польшада алимент жамғармаси 2008 йилдан буён ишлайди. Тўлов бола 18 ёшга тўлгунча, ўқиётган бўлса 25 ёшгача давом этади. Чехияда «ўрнини босувчи алимент» 2021 йил 1 июлдан жорий этилган. Эстонияда 2017 йилдан буён алимент ёрдами берилади.

Бу тажрибалардан умумий шундай сабоқ чиқариш мумкин. Биринчидан, тўлов ойлик ва олдиндан маълум миқдорда белгиланган, яъни она келаси ой қанча пул олишини билади ва режа тузади. Давлат ҳам харажатни аниқ ҳисоблайди. Иккинчидан, давлат суд белгилаган алиментнинг ҳаммасини эмас, боланинг энг зарур эҳтиёжини қоплайди. Қолганини қарздордан ундириш давом этади. Шу туфайли тизим бюджет учун оғир юк бўлмайди. Давлат тўлаган сумма алимент тўловчи шахснинг давлат олдидаги қарзига айланади. Уни давлат органи солиқ, иш ҳақи ва мулк маълумотлари орқали ундиради. Она эса бу курашдан озод бўлади. Тўртинчидан, тизим доимо такомиллаштирилади.

Халқаро тажрибадан аён бўладики, амалдаги жамғармани бекор қилиш шарт эмас. Унинг асосида аниқ қоидалар билан ишлайдиган кафолат тизимини қуриш мумкин. Бунда, жиноий жавобгарлик талаби бекор қилинади. Ижро иши очилгандан кейин алимент икки ой кетма-кет тўланмаса ёки тўлиқ тўланмаса, бола кафолатланган тўловга ҳуқуқ олади.

Тўлов бола 18 ёшга тўлгунча, кундузги таълимда ўқиса 23 ёшгача давом этади. Ҳуқуқ ҳар йили автоматик текширилади. Жамғарма тўлаган ҳар бир сўм қарздорнинг давлат олдидаги қарзига айланади. Икки ойлик кузатувдан кейин қарзни ҳисобдан чиқариш нормаси бекор қилинади. Қарздорнинг расмий даромади, банк ҳисоби ёки мулки пайдо бўлиши билан ундириш автоматик бошланади.

Ота-она амалда бирга яшаётгани ёки қарздор яширин даромад олаётгани аниқланса, тўлов тўхтатилади ва тўланган маблағ айбдордан ундирилади. Бу орқали ҳалол оилалар ҳимоя қилинади, сохта ажрашишга йўл ёпилади.

Таклиф қилинаётган тизимни жорий этиш учун қонунчиликни нолдан ёзиш шарт эмас. Аниқ ҳужжатларга бир қатор ўзгаришлар киритиш кифоя. Ислоҳотни босқичма-босқич амалга ошириш мумкин.

Боланинг ҳуқуқи фақат ҳукумат қарорига боғлиқ бўлиб қолмаслиги учун у қонунда мустаҳкамланиши ҳам керак бўлади. Оила кодексининг 99-моддаси алимент миқдорини белгилайди. Кодексга янги модда билан алимент тўланмаган ҳолларда бола давлат томонидан кафолатланган тўловни олиш ҳуқуқига эгалигини қўшиш лозим.

Ҳар қандай янги тизим савол туғдиради. Жамиятда энг кўп эшитиладиган эътирозларга очиқ жавоб бериш ҳам керак. «Нега давлат бировнинг қарзини тўлаши керак?» Давлат қарзни тўлаб юбормайди, уни олдинроқ тўлайди ва қайтариб олади.

Ўзбекистон алимент масаласида тўғри йўлни танлаган ва алоҳида жамғарма тузилган, ундириш ишлари сезиларли кучайган, ишсиз отага иш топиб бериш амалиёти йўлга қўйилган. Аммо бу соҳадаги ҳуқуқий механизмни давр талаблари ва жаҳон тажрибаси асосида такомиллаштириш айни заруратдир.

Болалик иккинчи марта қайтарилмайди. Бола адолатни кутиб турмаслиги, адолат боланинг ёнида бўлиши керак.

Шохрух ЎКТАМОВ,
ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламенти раиси ўринбосари.

МУЛОҲАЗА

САМИМИЯТ БОЗОРИДАГИ БАНКРОТЛИК



Ҳар бир миллатнинг ўзлиги, маънавий қиёфаси ва бардавомлиги унинг асрлар давомида сайқал топган қадриятлари, оила қуриш анъаналари ҳамда одоб-ахлоқ мезонлари билан белгиланади. Ўзбек халқида азалдан никоҳ муқаддас саналган. Эркакнинг ори, масъулияти ва етакчилиги, аёлнинг эса ибоси, ҳаёси ва андишаси оила мустаҳкамлигининг бош пойдевори бўлиб келган. Айниқса, энг нозик туйғулар кўча-кўйда намойиш қилинадиган томоша эмас, балки пардали ва эҳтиромли сир сифатида асраб-авайланган.

“MARRY ME” БАЛОСИ

Афсуски, бугун шиддатли глобаллашув ва ижтимоий тармоқлар таъсирида ана шу муқаддас чегаралар аста-секин емирилиб, миллий менталитетимизга мутлақо ёт бўлган сохта “урф”лар ҳаётимизга кириб келмоқда. Яқинда пойтахтимизда рўй берган ва ижтимоий тармоқларда яшин тезлигида тарқалган бир воқеа кўпчиликни ҳайратлантирди: йигитидан уйланиш таклифини кутавериб сабри тугаган бир қиз дабдабали “Marry me” (“Менга уйлан”) томошасини ўзи ташкиллаштириб, оломон кўз ўнгида йигитга қўлини сўраб мурожаат қилибди.

Ўша видео остидаги минглаб изоҳларга кўз югуртирсангиз, жамиятнинг ҳақиқий муносабати яққол кўринади. Одамлар йигитнинг устидан “Иболи-ҳаёли йигит экан”, “Ҳақиқий малика”, “Қиз олдин совчиларини юбормайдими?”, дея аёвсиз масхара қилишмоқда. Бу аччиқ киноялар битта ҳақиқатни исботлайди: жамиятимиз ҳали-ҳамон оилада етакчиликни эркакдан кутади.

Хўш, ўзи бу “Marry me” деган бало бизга қаердан кириб келди?

Аслида бу анъана Ғарб маданияти, Голливуд фильмлари ва 1940-йилларда “De Beers” компаниясининг “Олмос — абадийдир” деган маркетинг кампанияси орқали оммалашган. Яъни унинг тагида азалдан соф туйғу эмас, тижорат ётади. Бугун юртимизда ҳам бу нарса гуллар, безаклар, операторлар ва ресторанлардан иборат улкан “event-бизнес”га айланиб улгурди.

Ўтган XX асрда ҳам, ундан аввал ҳам ўзбек хонадонларида никоҳ икки ёшнинг эмас, икки оиланинг иттифоқи сифатида кўрилган. Розилик олиш жараёни ўта нозик ва пардали кечган: совчилар келган, қизнинг фикрини эса онаси ёки янгаси холи жойда сўраган. Қизнинг сукути (“сукут — аломати ризо”) энг гўзал ҳаё белгиси саналган. У даврда ҳам ёшлар бир-бирини севган, аммо бу туйғу кўча-кўйда томоша қилинмаган, аксинча, сир ва қадрият сифатида асралган.

Очиғини айтайлик: бугун бундай дабдабали томошаларнинг тўқсон фоизи бахтли бўлиш учун эмас, балки камерага муҳрлаб, “бахтли кўриниш” ва таниш-билишларга кўз-кўз қилиш учун қилинмоқда! Бундай мақтаниш — инсоннинг ўзини атрофдагиларга қанчалик “қадрли” эканини исботлашга бўлган ожизона уринишидир.

МЕҲР ТИЖОРАТ ЭМАС

Бугун қизларимиз орасида бир тоифа шаклланиб бормоқда: ҳали оила бекаси, вафодор ёр вазифасини тўла адо этмай туриб, эркак томонидан барча моддий имтиёзларга эга бўлиб олишни орзу қиладиганлар кўпайди. Эркакни “Менинг суянчиғим, бир ёстиққа бош қўядиган жуфти ҳалолим” деб эмас, балки тайёр бизнес-лойиҳа ёки “жекпот” сифатида кўрадиган қараш урчиб кетди. “Биргаликда ҳаракат қиламиз, ҳаётни бирга қурамиз”, дейдиган сабрли қизлар анқонинг уруғига айланди.

Моддиятга ўчлик шу даражага етдики, ҳатто исломдаги маҳрдек муқаддас ва бебаҳо удумни тижоратга, лотереяга айлантириб юборишди! “Маҳрга нима сўрайсиз?” дейилса, уялмасдан тўрт хонали уй, “Гелик” машинаси, ўнта давлатга саёҳат сўраш оддий ҳолга айланди. Ваҳоланки, динимизда маҳр эркакни қийнаб, қарзга ботириш учун эмас, балки унинг топиш-тутиши ва имкониятидан келиб чиқиб, чин кўнгилдан атайдиган ҳадяси сифатида белгиланган.

ЯНА “MARRY ME” ҲАҚИДА

Майли, кимдир ёшлик эйфорияси, чин севги оғушида юргани учун маҳбубасига гўзал бир таклиф қилишни дилдан истар. Аммо буни кўпчиликнинг кўзидан нарида, камераларсиз, ижтимоий тармоқларга жар солмасдан, фақат икки қалбнинг ўзи биладиган сир сифатида амалга оширишнинг имкони бор-ку! Икки инсоннинг аҳду паймонини бутун шаҳарга намойиш қилишдан нима наф?

Азим АХТАМОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

«ЯШИЛ ТАРАҚҚИЁТ»

ЭКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАДА ИЛҒОР ЁНДАШУВЛАР

Бугунги кунда экологик хавфсизликни таъминлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳитга салбий таъсирини камайтириш барқарор тараққиётнинг муҳим шартларидан бирига айланди.



Ўзбекистонда мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар экологик экспертиза тизимини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, саноат тармоқларида экологик самарадорликни ошириш ва қарорлар қабул қилиш жараёнларига инновацион ёндашувларни жорий этишга қаратилган. Хусусан, БМТ Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Ҳадли конвенцияси томонларининг 31-конференцияси (COP31) доирасида мамлакатнинг энг яхши мавжуд техникаларни (ЭМТ) жорий этиш бўйича миллий ёндашуви тақдим этилгани, шунингдек, Италиянинг Рим шаҳрида экологик баҳолашда сунъий интеллект ва рақамли технологиялардан фойдаланишга бағишланган халқаро ўқув-тренингларда Ўзбекистон делегациясининг иштироки бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг муҳим йўналишларини намоён этди.

Мазкур жараёнларда Давлат экологик экспертизаси маркази алоҳида ўрин эгалламоқда.

Анталия шаҳрида COP31 доирасида Ўзбекистон павильонида ўтказилган тақдимотда энг яхши мавжуд техникаларни жорий этиш мамлакат саноатини экологик модернизация қилишнинг муҳим воситаси сифатида кўрсатиб ўтилди. Давлат экологик экспертизаси маркази бош директорининг ўринбосари Вячеслав Ши-сяннинг «Ўзбекистонда энг яхши мавжуд техникаларга ўтиш: тоза ҳаво ва камроқ ташламалар» мавзусидаги маърузасида мазкур тизимнинг асосий мақсад ва вазифалари баён этилди.

ЭМТ концепцияси ишлаб чиқариш корхоналарининг атроф-муҳитга таъсирини комплекс баҳолашга асосланади. Бунда фақат атмосферага чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар ёки сув объектларига оқизилаётган оқова сувлар ҳажми эмас, балки қўлланилаётган технологиялар, ҳосил бўладиган чиқиндилар, энергия, сув ва хомашё сарфи ҳам яхлит таҳлил қилинади.

Ушбу тизимни Ўзбекистон шароитида ривожлантириш учун халқаро тажрибага асосланган, бироқ мамлакатнинг иқлимий, технологик ва иқтисодий хусусиятларини ҳисобга оладиган миллий маълумотномаларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Айни пайтда халқаро маслаҳатчи иштирокида ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда ЭМТга ўтиш бўйича Йўл харитаси тайёрланмоқда. Давлат экологик экспертизаси маркази мазкур жараёнда асосий миллий иштирокчилардан бири сифатида қатнашиб, соҳадаги ташкилий ва амалий вазифаларни бажаришда иштирок этмоқда.

Дастлабки босқичда йирик саноат ва энергетика объектлари жойлашган Тошкент шаҳри ҳамда Тошкент вилоятига устувор эътибор қаратилмоқда. Цемент саноати, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш, иссиқлик энергетикаси ва йирик қозонхоналар асосий йўналишлар сифатида белгиланган. Ушбу тармоқларда комплекс технологик аудитлар ўтказиш, корхоналарнинг экологик ва ресурс самарадорлигини баҳолаш, соҳавий маълумотномаларни тайёрлаш, миллий мутахассислар салоҳиятини ошириш ҳамда технологик модернизацияни рағбатлантириш механизмларини шакллантириш назарда тутилган.

Саноатни экологик модернизация қилиш жараёнида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳам муҳим ўрин тутади. Айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари учун экологик муаммоларнинг трансчегаравий хусусияти, табиий ресурслардан фойдаланиш ва саноат ифлосланишини камайтириш масалалари ўзаро мувофиқлаштирилган ёндашувларни талаб этади. Шу нуқтаи назардан, COP31 доирасида Қозоғистоннинг энг яхши мавжуд техникаларни жорий этиш бўйича тажрибаси тақдим этилгани ва минтақавий ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилингани эътиборга моликдир.

Муҳокамаларнинг амалий натижаси сифатида Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси ҳузуридаги Давлат экологик экспертизаси маркази ҳамда Қозоғистон Республикасининг «Яшил технологиялар ва инвестиция лойиҳалари халқаро маркази» ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги келишув имзоланди. Ҳужжатни Марказ бош директорининг ўринбосари Вячеслав Ши-сянь ва Қозоғистон томонидан Сакен Калкаманов имзолади.

Мазкур келишув Ўзбекистоннинг кимё, энергетика ва цемент саноати тармоқлари учун ЭМТ бўйича соҳавий маълумотномаларни ҳамкорликда ишлаб чиқишга қаратилган. Унга мувофиқ, саноат корхоналарида комплекс технологик аудитлар ўтказиш тажрибасини алмашиш, методологик ёндашувлар ва технологик кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, маълумотномалар тайёрлаш ҳамда рақамли платформани ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилиш режалаштирилган.

Давлат экологик экспертизаси марказининг ушбу келишувдаги иштироки ташкилотнинг фақат миллий даражадаги эмас, балки минтақавий экологик ҳамкорликдаги фаол ўрнини ҳам кўрсатади. Қозоғистонлик ҳамкорлар билан тажриба алмашиш орқали соҳавий ёндашувларни такомиллаштириш, технологик ечимларни ўрганиш ва миллий мутахассислар учун янги амалий имкониятлар яратиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, Марказий Осиёда ЭМТ бўйича махсус бюро ва ягона рақамли платформа ташкил этиш ташаббуслари ҳам минтақавий билимлар алмашинувини кенгайтиришга хизмат қилиши мумкин.

Экологик бошқарувни такомиллаштиришда яна бир муҳим йўналиш — сунъий интеллект ва рақамли технологиялардан фойдаланишдир. Чунки замонавий экологик экспертиза катта ҳажмдаги маълумотларни қайта ишлаш, турли экологик омилларни ўзаро таққослаш, эҳтимолий хавфларни олдиндан аниқлаш ва лойиҳаларнинг атроф-муҳитга таъсирини комплекс баҳолашни талаб этади. Бу вазифаларни самарали бажаришда интеллектуал таҳлил воситалари муҳим ёрдамчига айланмоқда.

Шу мақсадда 2026 йил 9–11 ноябрь кунлари Ўзбекистон делегацияси Италиянинг Рим шаҳрида экологик баҳолаш тизимида сунъий интеллект ва замонавий рақамли технологиялардан фойдаланишга бағишланган халқаро ўқув-тренингларда иштирок этди. Италия Атроф-муҳит ва энергетика хавфсизлиги вазирлиги (MASE) ҳамда Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш халқаро ассоциацияси (IAIA) ҳамкорлигида ташкил этилган дастурда Давлат экологик экспертизаси маркази бош директори ва соҳага сунъий интеллект ҳамда ахборот технологияларини жорий этишга масъул мутахассислар қатнашди.

Ушбу ташриф Марказ фаолиятида рақамли трансформация йўналишининг ҳам тобора муҳим аҳамият касб этаётганини кўрсатади. Халқаро ўқув дастури доирасида делегация аъзолари Италиянинг экологик бошқарув соҳасидаги институционал тузилмаси, атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш методологияси, ҳудудий мониторинг тизимлари ва рақамли инфратузилмаси билан танишди. Шунингдек, Тоскана, Марке, Ломбардия ва Эмилия-Романья каби минтақаларнинг амалий тажрибаси ўрганилди.

Техник сессиялар ва халқаро экспертлар билан мулоқотлар давомида экологик скрининг ва скоупинг, стратегик экологик баҳолаш, маълумотларни қайта ишлашнинг замонавий усуллари бўйича билим ва кўникмалар оширилди. Айниқса, чиқиндиларни қайта ишлаш объектларининг атроф-муҳитга таъсирини моделлаштириш ва баҳолашда сунъий интеллект алгоритмларидан фойдаланиш имкониятлари муҳокама қилинди. Бундай ёндашувлар экологик экспертиза жараёнларида таҳлил сифатини ошириш, маълумотларни тизимлаштириш ва эҳтимолий хавфларни ўз вақтида аниқлашда муҳим.

Шунингдек, MASE ва IAIA ҳамкорлигида экологик бошқарув платформасини ишлаб чиқиш, ҳудудлар учун ягона билимлар базасини шакллантириш ва экологик маълумотларни тизимлаштириш каби истиқболли ташаббуслар кўриб чиқилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, COP31 доирасида илгари сурилган энг яхши мавжуд техникаларни жорий этиш ташаббуси ва Римда ўрганилган рақамли технологиялар бир-бирини тўлдирувчи йўналишлардир. Биринчи йўналиш саноат корхоналарида экологик жиҳатдан самарали технологияларни қўллаш, ташламаларни қисқартириш ва ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган бўлса, иккинчиси ушбу жараёнларни замонавий ахборот воситалари ёрдамида баҳолаш ва бошқариш имкониятларини кенгайтиради. Давлат экологик экспертизаси маркази фаолиятида мазкур икки йўналишнинг уйғунлашуви экологик баҳолаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Давлат экологик экспертизаси марказининг COP31 доирасидаги иштироки, Қозоғистон билан имзоланган келишув ва Италиядаги халқаро ўқув-тренингларда қатнашиши ташкилотнинг ушбу жараёнлардаги амалий фаолиятини ифодалайди. Бир томондан, Марказ саноат тармоқларида экологик модернизацияни қўллаб-қувватлаш ва энг яхши мавжуд техникаларни жорий этишга қаратилган ҳамкорликда иштирок этмоқда. Иккинчи томондан эса, экологик экспертиза жараёнларига рақамли технологиялар ва сунъий интеллект имкониятларини татбиқ этиш бўйича халқаро тажрибани ўзлаштирмоқда. Бу икки йўналиш ташкилотнинг миллий экологик бошқарув тизимини ривожлантиришдаги вазифаларини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Давлат экологик экспертиза маркази Матбуот хизмати.

АНЖУМАН



СУВ ТЕЖАШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ:

10,6 МИЛЛИАРД КУБ МЕТРЛИК НАТИЖА

Иқлим ўзгариши, сув ресурслари тақчиллиги ва уларга бўлган талабнинг ортиб бориши сувдан оқилона фойдаланишни ҳаётий заруратга айлантирмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги сув ресурсларининг асосий истеъмолчиларидан бири эканини ҳисобга олсак, ирригация тизимини модернизация қилиш, сув йўқотилишини камайтириш ва тежамкор технологияларни кенг жорий этишнинг аҳамияти янада ортади.

Бу ҳақида Сув хўжалиги вазирлиги томонидан «Сув – ҳаёт манбаи: янги технологиялар орқали ресурсларни самарали бошқариш» мавзусида ўтказилган матбуот анжуманида маълум қилинди. Унда вазир Шавкат Хамраев соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, эришилаётган натижалар ва истиқболдаги режалар ҳақида ахборот берди.

Таъкидланишича, мамлакатимизда 2026 йилнинг январь–октябрь ойларида сув тежовчи технологияларни жорий этиш, каналларни бетонлаштириш, рақамлаштириш ва агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳисобига жами 10 миллиард 690 миллион куб метр сув тежалган.

Вазирнинг қайд этишича, қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришга хизмат қиладиган ирригация тармоқларининг умумий узунлиги 173 минг километрни ташкил этади. Тупроқ ўзанли каналларда сувнинг бир қисми ерга сингиб кетиши унинг йўқотилишига, истеъмолчиларга етказиб беришда эса ортиқча вақт ва харажат сарфланишига сабаб бўлмоқда. Шу боис каналларни бетонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2026 йилда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 1 минг километр канал бетонлаштирилди. Натижада вазирлик тизимидаги бетон қопламали магистрал ва хўжаликлараро каналларнинг умумий узунлиги 12,7 минг километрга етди. Йил якунига қадар яна 200 километр канални бетонлаштириш режалаштирилган. Бундан ташқари, кластер ва фермер хўжаликлари томонидан 20 минг километр ички суғориш тармоқлари бетонланди ва капитал таъмирланди. Бу ишлар сув йўқотилишини айрим участкаларда 35 фоизгача камайтириш, экин майдонларига сув етказиб бериш вақтини эса 2–3 баробар қисқартириш имконини бермоқда.

Сув тежовчи технологияларни жорий этиш кўлами ҳам йилдан-йилга кенгаймоқда. Агар 2017 йилда мамлакатимизда бундай технологиялар атиги 28 минг гектар майдонда қўлланилган бўлса, бугунги кунда уларнинг қамрови 2,8 миллион гектарга, яъни суғориладиган ерларнинг 65 фоизига етди. Жорий йилнинг ўзида 654,2 минг гектар майдонда замонавий суғориш усуллари жорий қилинди.

Соҳадаги яна бир муҳим ўзгариш сув ресурсларини ҳисобга олиш, тақсимлаш ва назорат қилиш жараёнларини рақамлаштириш билан боғлиқ. Ҳозирга қадар 13 минг 310 та сув хўжалиги объектига «Ақлли сув», 12 минг 859 та мелиоратив кузатув қудуғига «Дайвер» ускуналари ўрнатилди. Шунингдек, 1 минг 935 та насос станциясида сув сарфини онлайн кузатиш йўлга қўйилиб, 106 та йирик объект автоматлаштирилди. «Сув ҳисоби» ахборот тизими орқали эса 97,5 мингта сувдан фойдаланувчи билан электрон шартномалар расмийлаштирилиб, 817 мингта далолатнома шакллантирилган. Вазирликнинг Вазиятлар маркази орқали сув ва энергия ресурслари, ирригация объектлари фаолиятини мониторинг қилиш имконияти яратилган.

Инфратузилмани мавсумга тайёрлаш мақсадида кузги-қишки тадбирлар доирасида 4 минг 300 километр канал тозаланиб, 3 минг 30 та гидротехника иншооти ва 3 минг 220 та гидропост таъмирланган. Йил якунига қадар сув тежаш ҳажмини 11 миллиард куб метрга етказиш, янги технологиялар қамровини кенгайтириш ва сув ҳисобини такомиллаштириш ишлари давом эттирилади.

Матбуот анжуманида журналистлар трансчегаравий сув ресурсларидан фойдаланиш, хусусан, Тожикистонда қурилаётган Роғун ГЭСи ҳамда Афғонистондаги Қўштепа канали билан боғлиқ масалалар юзасидан саволлар берди.

Роғун ГЭСи қурилишининг Амударё орқали Ўзбекистонга келаётган сув миқдорига таъсири ҳақидаги саволга жавоб берар экан, Шавкат Хамраев сув омборини тўлдириш босқичма-босқич амалга оширилишини таъкидлади. Унинг айтишича, бу жараён тахминан 2035 йилгача давом этади. Ҳозирда ГЭС қисман ишламоқда ва электр энергияси ишлаб чиқармоқда. Вазир Ўзбекистон Амударёдан ўзига белгиланган лимит асосида сув олишда давом этаётганини қайд этди. Шунингдек, сув омборини тез тўлдириш гидротехника иншооти хавфсизлигига таҳдид солиши мумкинлиги сабабли жараён босқичма-босқич ташкил этилаётганини тушунтирди.

Афғонистонда қурилаётган Қўштепа канали ҳақидаги саволга эса вазир канал ҳозирча Амударёдан тўлиқ ҳажмда сув олмаётганини, унинг тўлиқ ишга тушиши 2030 йилгача режалаштирилмаганини маълум қилди. Ўзбекистон ва Афғонистон канал қурилиши якунланганидан кейин сув олиш шартларини келишиб олишни режалаштирмоқда.

Журналистлар сув хўжалиги соҳасида Хитой билан ҳамкорлик, амалга оширилган лойиҳалар ва каналларни бетонлаштириш бўйича музокараларга ҳам қизиқиш билдирди. Вазирнинг таъкидлашича, икки мамлакат ўртасидаги стратегик шериклик доирасида сув хўжалиги инфратузилмасини ривожлантириш, насос станцияларини реконструкция қилиш ва ирригация тизимларини такомиллаштириш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилган. Хусусан, умумий қиймати бир миллиард доллардан ошадиган 15 дан ортиқ йирик лойиҳа ҳамкорликда бажарилган.

Шу ўринда Хитой билан ҳамкорликда амалга оширилган Қорақалпоғистондаги дренаж лойиҳаси мисол сифатида келтирилди. Ушбу лойиҳа доирасида Тўрткўл, Элликқалъа ва Беруний туманларидаги 100 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланган. Бунинг учун 300 километр узунликда коллектор қурилган. Илгари мазкур ҳудудда ерости сувлари сатҳини пасайтириш учун «Қизилқум» ва «Беруний» насос станцияларидан фойдаланилган. Янги дренаж тизими ишга туширилиши натижасида уларга эҳтиёж қолмаган.

Дарҳақиқат, сув ресурслари чекланган шароитда ҳар бир томчи сувдан самарали фойдаланиш, мавжуд инфратузилмани янгилаш ва замонавий технологияларни ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Матбуот анжуманида келтирилган маълумотлар соҳада бу борада муайян натижаларга эришилаётганини кўрсатади.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

E’LON

BARCHA PUDRAT TASHKILOTLARI DIQQATIGA!

Toshkent shahar, Shayxontohur tumani, Beruniy ko‘chasida 2a-uyda joylashgan, “Biznesni rivojlantirish banki” ATB ma’muriy binosini mukammal ta’mirlash 2-bosqich ishlari bo‘yicha eng yaxshi taklifni tanlash o‘tkazilmoqda.

Tanlov o‘tkazish shartlari va tartibi to‘g‘risida batafsil ma’lumot xarid hujjatida keltirilgan. Xarid hujjatlarini buyurtmachining saytida (https://brb.uz/) yuklab olish mumkin.

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O‘zbekiston Ovozi

TAHRIR HAY’ATI:
Ulug`bek INOYATOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Maqsuda VORISOVA, Qalandar ABDURAHMONOV, Guliston ANNAQILICHEVA, Muslihiddin MUHIDDINOV, Olim RAVSHANOV, Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14
Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 1137. 3700 nusxada bosildi.
Nashr ko‘rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O‘zA yakuni — Topshirilgan vaqti — 20:45
1 2 3 4 5 6
Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.